#### Таинич тушучалар

Сиёсий стакчилик, сиёсий етакчилик турлари, апъанавий етакчилик, харизматик етакчилик, рационал - ошкора етакчилик, сиёсий етакчи, консерватор, реформатор, инқилобчи, сиёсий етакчилик ривожлацишининг яши тенденциялари.

#### Мустақил им учун топшириниқлар

1. Матъруздан олган маълумотларингиз асосида бирорга сиёсий етакчининг сиёсий қиёфасини таҳдил қилиб беринг. Танлаган қаҳрамонингизнинг белгилари, сиёсий дастурлари, фаолиятга эътибор беринг.
2. Ўзингизни сиёсий етакчи, деб тасаввур қилинг. Ўз дастурингиз Сизни кўллаб-куватловчи ижтимоий қатламлар тўғрисида маълумот беринг.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Узбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И. А. Амир Темур - фахримиз, ғуруримиз. Т., «Ўзбекистон», 1996.
3. Баркамол ахвод - Узбекистон таракқистанинг пойлевори. Тонкент. Узбекистон. 1997.
4. Базарбаев Б. Феномен политического лидерства. Т., «Ўзбекистон», 1993.
5. Блондсл Ж. Политическое лидерство. Москва. 1992.
6. Вебер М. Избранные произведения. Пер. с нем. Москва. 1989.
7. Жўраев Н. Агар оғоҳ сен...». Портреты чизиллар. Т., «Шарқ», 1998.
8. Левинин Л., Карлайл Д. Ислом Каримов - Янги Узбекистон Президенти. Т., «Ўзбекистон». 1996.
9. Ильин М. В., Коваль Б. И. Личность в политике. Кто играет короля?.. Полис. 1991 №6.
10. Милле Р. Властвующая элита. М.: 1959.
11. Пугачев В. П., Соловьев А. И. Введение в политологию. Учебник для Вузов. - М., «Ленскит пресс», 1999.
12. Форобий Абу Наэр. Фозил оғизлар шахри. - Т., «Халқ мероси», 1993.

## 11-мавзу. Сиёсат ва миллатлараро муносабатлар

Режа:

1. Миллат түшүнчеси.
2. Сиёсий жараёнлар ва миллий муносабатлар.
3. Миллий муносабаттарни барқарорлаштырышынг спесијаллуу.

### 1. Миллат түшүнчеси

Сиёсат ва миллатлараро муносабатлар масаласи политологияда мұхым мавзулардан бириши ташкыл қылады. Чунки ҳар қандай давлатта ҳам миллатлараро муносабатларни барқарорлаштырmasдан туриб, тараққиёттә эришиб бўлмайди. Миллатлараро мөжаролар албатта муқаррар равинида ҳатто тараққий этап мамлакателарнинг ҳам ривожланишиниг зарба беради. Шунинг учун ҳам бу мавзуни ўрганиш долзарб. Миллатлараро муносабатнинг мөхиятини, унини барқарорлаштириш омиллари ҳақида фикр юритишдан олдин миллат түшүнчесининг мөхиятини тушиниб олини мақсадга мувофиқиди.

Миллат түшүнчесини ашиқлашта түрліча ёңлашушлар мавжуд бўлиб, уларнинг муаллифлари уништ турли қирраларни очиб беришга эътиборларини қараттанлар. Жумладан, инглиз файласуфи Эрнест Гелшер, миллатни «инсон яратган, у инсон иши ва онгининг маҳсули» /қаранг: Вопросы философии, №7, 1989, 124/, рус олимни Л. Ионнинг фикрича «миллатта мансублик инсонга тугилишдан берилди ва уништ бутун ҳәйти давомида ўзгармай қолади. У жинс каби мустаҳкамдир...»/ қаранг: «Вопросы философии» №12, 1990, 10-бет/; ҳатто бу фикрларга қарали фикрлар ҳам илтири сурилмоқда. Жумладан рус олимни В. А. Тихоновнинг фикрича «Миллат илмий түпинчә эмас, бу сиёсий шиор ва сафарбарлик воситасидир» /қаранг: социологический исследования, №1, 1997, 52-бет/

Ўзбекистонда миллат түшүнчесига турли фикрлар билдирилиб келинмоқда. Аммо, собиқ шуролар даврида «миллатта таъриф беришса синфий нұқтаи назардан қарашлар устивор эди. Бунинг оқибатида синфий манфаатлар миллий манфаатлардан устиворликка эта бўлиб келди.

Аслида юқорида келтирилган бир қатор муаллифларда бошқа мавжуд назарий материалларни ўрганиш асосида куйидаги хуносаларни қилиш мумкин:

Биринчидан миллат инсоният ва жамият тараққиётининг ҳосиласи ҳисобланади. Унинг шаклланишида моддий омильар хусусан худуд, давлат, иқтисодиёт мұхим роль йўнаган бўлса

ум, улар миллатнинг тўлиқ мөхиятини очиб беролмайди. Улар инсоннинг ўзаро яқинлашишида ўзининг таъсирини ўтказган. Аммо, миллатни бирлаштирувчи нарса маънавий омильар ҳисобланади. Хусусан, руҳият, тил, маънавият, урф-одат, анъана, қадриялардир;

Иккинчидан, миллат түшүнчесини таърифланда синфий ёндишув, унинг чинакам куч, қудратини ҳас-пушаш ҳисобланади. Чунки, инсоният ва жаҳоннинг бир қатор ривожлантган мамлакатлари тажрибалири кўрсатадики, синфлар ўргасида зиддиятлар, қарама-қаршиликлар замити моддий манфаатдорлик билан бөглиқ. Мамлакатларда аксарият аҳолининг моддий эҳтиёжларини тъминлаш ўзаро қарама-қаршиликларни ҳам сўнг боришича олиб келади. Аммо миллий манфаатдорлик, (ўз тили, маънавият, урф-одаттар, анъаналар, қадрияларни, ўзликни сакълиб олишга иштилоғ) моддий эҳтиёжлар тўла қондиришган шароитларда ҳам сакъданиб қолади;

Юқоридағи фикрларга асосланиб миллатта куйидагича таъриф бериш мумкин: миллат, тил, маънавият, миллий ўзикни англаш руҳияти, урф-одатлар, анъаналар, қадриялар асосида муйайн худудда яшовчи кишиларнинг этник бирлигига айтилади. Кўришиб турибдики бу таърифда маънавий омилларга устиворлик берилган. Бунинг асосий сабаби шуки, иқтисодий эҳтиёжларни қондириш манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда этник бирлик вужудга келади. Аммо у, маънавий омилларнинг «йўқ» булишига ўз таъсирини ўтказаолмайди. Чунки маънавий омилларни кишиларни этник бирликка бирлантириб уларни «тапки» ҳавф-хатарлардан огоҳ қилиб туради. Шу маънода ҳам у миллатни инсон каби доимо тараққий этиб такомиллашиб боришида стакчи ўрин эгаллаб келаверади.

### 2. Сиёсий жараёнлар ва миллий муносабатлар

Миллатлар мавжудиги уларнинг ўзига хос сиёсий манфаатларининг мавжудигини ҳам билдиради. Ана шу манфаатларнинг қайси даражада амалга оштаплагини жамият ҳәтидати сиёсий жараёнлар ҳолатида ўз ифодасини тошади. Сиёсий жараёнлар сиёсий институтларнинг ишланишы ва уларнинг жамият сиёсий ҳолатини барқарор ишланиши таъмишлари ижтимоий турӯҳлар, шу жумладан миллатлар ўрталаридағи муносабатларнинг барқарор ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Агар давлат ҳокимияти тармоқларининг барқарор ишланиши бузилса, албатта у барча муносабатлар, шу жумладан миллий муносабатларнинг бузилишита ҳам олиб келади. Ёки

давлат ўз фаолиятида мильтларнинг сиёсий манфаатларини хусусан ўзаро тентлигини кафолатгай олмаса, у ёки бу мильтларнинг давлат ҳокимиятида иштирок қилишини ташкил қылаотмаса жамият ҳаётида сиёсий тантлик вужудга келади.

Демак, сиёсий жараёслар, сиёсий ҳокимият, сиёсий партиялар ва ҳаракаттарниң ўзаро муносабатларининг ҳолати билан боғлиқ бўшан тушуғча ҳисобланади. Бу жараёсларга мильтлар ва улар ўргасидаги муносабатлар ҳам боғлиқ бўлади. Чунки мильтлараро муносабатларни барқарор ривожлантиришини ташкил қўймаслини туриб сиёсий жараёнларнинг барқарор ривожланишини ташкил қилиб бўлмайди. Агар собиқ шуроларнинг ташалитар тузуми шароитидаги сиёсий жараёнлар ҳолатига назар ташлайдиган бўлсан, мильтий манфаатлар давлат манфаатларига бўйсундирилган эди. У ёки бу мильтнинг ўз манфаатларини ўртага қўйши давлати қарши қаратилган ҳаракат сифатида баҳолинар эди. Шунинг учун давлат бундай ҳаракатларни куч ишлатиб бўлса ҳам «тинчтишига» ҳаракат қиласа эди. Аммо, давлатнинг бундай ҳаракатлари мильтий жараёнларнинг бутуслай йўқ бўтиб кетипшига олиб келмали, аксинча зиддан бу жараён катта куч сифатида шаклтаниб келди ва давлат ҳокимиятиниң ичидан емирилши жараёнини тезлаптириди.

Бу атчиқ «тажрибадан» келиб чиқалитан хуоса шуки, давлат жамиятида бўладиган муносабатларнинг табиий ривожланиши қонувларига асосланган ҳолда ўзининг фаолият йўналишларини белтилаб олиши зарур.

Айниқса, мильтлараро муносабатларни барқарор ривожланиши учун ҳар бир мильтнинг сиёсий манфаатларини ҳисобга олиш давлат сиёсатида устувор бўлиши амалий аҳамиятга этадир. Шунинг билан бирга мильтлараро муносабатларга сиёсий тус бериш хатарли эканлигини ҳам эслан чиқармаслик лозим. Яъни мильтларнинг ўзаро муносабатларида юзага келиши мумкин бўлган у ёки бу садбий ҳолатлар давлат ҳокимиятини кўлга киритиш учун кураш наражасига кўтарилимаслиги керак. Чунки бундай жараён албатта давлатни ҳалокатга ва мильтлар манфаатларини паймол бўшишта олиб келади. Сиёсий жараёнларнинг ривожланиши мильтлараро муносабатларнинг барқарор тараққиёт этишга хизмат қилиши лозим. Бу эса ўз навбатида бутун жамиятнинг барқарор тараққий этишига хизмат қиласи.

### 3. Миллий муносабатларни барқарорлаштиришининг сиёсий йўли

Мильт мавжуд экан, албатта мильтий масала ҳам, мильтлар ўрталарида турли муносабатлар ҳам мавжуд бўлади.

Мильтий масала деганда турли мильт ва элатларнинг ўзаро муносабатларида зарур эҳтиёжларни қондиришига тўсқинлик қитувчи ҳолатларнинг юзага келиши тушунилали. Улар кўп мильтлар яшайдиган мамлакатларда у ёки бу мильтларнинг манфаатларини ҳисобга олмаслик ҳолатларидан келиб чиқали.

Мильтий муносабатлар эса турли мильтлар яшайдиган мамлакатларда улар ўртасида моддий ва маънавий соҳада ўзаро ёрдамланиш, бойин, алмашиш ва ижобий маънодаги таъсир кўрсатиш орқали намоён бўлади. Адолат ва қонуни устуворлости қарор топган мамлакатларда мильтий масала барҳам топши мумкин. Аммо мильтий муносабатлар мавжуд бўлиб қолаверади. У мильтини абадийлости ва улар манфаатларининг сақланиб қолиши билан боғлиқлар. Тўки, мильтий манфаатларни тула қондириш жула мураккаб ҳисобланади. Чунки эҳтиёжлар мильтларнинг ўзи каби ўсиб боради, унинг тұхтани мильтий тараққиётининг тұхтагашлитини ҳам билдиради. Шунинг учун ҳам мильтий муносабатларни барқарорлаштиришнинг:

**Биринчи** ва асосий йўли давлат сиёсатида барча мильтларнинг эҳтиёжларни ҳисобга олини ҳисобланади;

**Иккинчида**, қабул қилинадиган қонунлар ва қарорларда барча мильтларнинг тенденция, уларнини барча яратиладиган моддий ва маънавий бойликлардан тенг фойдаланиши кабилар ўз ифодасини топши лозим;

**Учинчида**, кўп мильтларда қондайdir сабаблар хусусан ташки кучларнинг аралашуви ёки ўзларити мильтшарвар қилиб кўрсатувчи аслида ўзининг жиркач мақсадларини амалга ошириш йўлида атайлаб мильтлараро муносабатлар омилидан фойдаланишига иштилишга уришувчи ички кучларнинг айби билан ҳам юзага келиши мумкин бўлган мильтлараро можароларни ҳал қилишила сиёсий воситалардан фойдаланиши йўлидан бориш зарур бўлади. Чунки мильтий можароларни ҳал қилишишиг куч ишлатиш йўли хеч қачон ўзилип ижобий нағијасини толмаган. Аксинча, куч ишлатиш йўли – бу давлат ҳалокатта, мильтларни жаҳолатга олиб келувчи энг хатарли йўли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам агар мильтлараро можаролар келиб чуккудай бўлса, уни ҳал қилишининг ягона йўли сиёсий воситалардан фойдаланиши ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, мильтлараро муносабатлар ниҳоятла мураккаб ҳисобланади. Шу боисдан ҳам давлат фаолиятида мильтий сиёсат устувор йўналишидан бири бўлиб келсан ва шундан бўлиб қолаверади.

Мильтий сиёсат деганда давлат томонидан жамиятдаги турли мильтлар ва этник гуруҳларнинг ривожига, мильтлараро му-

иносабатларни такомиллаштиришига ва шу асосида барқарор ривожланиши ташкил қилингаш қаратилган аниқ мақсад асосида олиб бориладиган фаолият тушунилади.

Миллий сиёсатда барча миллат ва этник турұхдар манфат ҳамда әхтиёжтарнинг қоидиритиши адолатты ташкил қилинган бўлса, миллатлараро мажаролар келиб чиқмаслиги учун имконият яратилган бўлади. Бу ўз наиватида жамияттинг барқарор ривожлапишининг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

### Таянч тушунчалар

Миллат, тил, маънавий омиллар, ҳудуд, давлат, миллий үзликлии англант, миллат тушунчасига қараппилар, сиёсий жараён, сиёсий муносабатлар, сиёсий институтлар, сиёсий манбаатлар, миллий муносабат, давлат фаолияти, миллий масала, миллий әхтиёж, миллий манбаат, миллатлараро мажароларни ҳал қилиш, сиёсий йўл, сиёсий восита, миллий сиёсат устуворлиги.

### Мустақил иш учун топшериқлар

1. Миллат тушунчасига қандай таърифлар берилган?
2. Сиёсий жараёнлар билан миллий муносабатлар ўргасидаги алоқадорлик нималарда ўз ифодасини тошсан?
3. Миллатлараро мажароларни ҳал этишинг сиёсий воситалари нимадан иборат?

### АДАБИЕТЛАР

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий пешкюл, иқтисод, сиёсат, макура. Т., «Ўзбекистон», 1993. 35-48, 80-82, 162, 165, 174 бетлар.
2. Каримов И. А. Оламилар бир-бираизрини ўзиримасинлар. (литературни газетасининг Мухбири саволларига жавоблар) -Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 16-август 1991 йил.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўғасинда: ҳафисизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., «Ўзбекистон», 1997, 69-137 бетлар.
4. Каримов И. А. Жамиятнинг мағкураси ҳалқи-ҳалқ, миллати-миллат қишигига хизмат этин. Т., «Ўзбекистон», 1998.
5. Ҳушрликка даъмат. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбиринин саволларга жавоблари.-Халқ сўзи, 25 июн, 1999.
6. Айтматов Ч. Жаҳоннам узра қарарлар фарёди. Бир йил ўтган ўш ҳақида ўйлар - Ўзбекистон анибисти ва санъати, 9-август, 1991.
7. Отамуратов С. Миллат, Миллий онт, Миллий турур, Ўзбек миллатининг ўз-ўзини анилши. (Маколалар). - Мустақилик изори илмий-оммабон луғат. Т., «Шарқ», 1998. 120-121, 133-135, 142-144, 154-155 бетлар.
8. Отамуратов С., Эргашев И., Ахрамов Ш., Қодиров А. Политология (укун қўлланмаси). Т., «Ўзбекистон», 1999, 115-129 бетлар.

### 12-мавзу. Сиёсат субъекти: турұхдар ва қатламлар

#### Режа:

1. Сиёсат субъекти тушунчаси.
2. Сиёсий субъектлар: турұхдар ва қатламлар.
3. Ўрта мулкдорлар қатлами ва сиёсий барқарорлик.

#### 1. Сиёсат субъекти тушунчаси

Сиёсат ҳастнинг ўзига хос муҳим соҳаси ҳисобланади. Ҳамма инсонлар ҳам сиёсат билан шугулланавермайди. Айримлар сиёсий фаолият билан унчалик қизиқмасалар, алғиримлар оса у билан қизиқишга вақт тополмайдилар. Айни пайтда шундай одамлар ҳам борки сиёсатдан "четда" туришини истайдилар ёки сиёсатни сирли, тушунарсиз бир соҳа деб ҳисоблайдигашлар ҳам топилади. Аммо, сиёсатта бўлган муносабат инсон ёши билан боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Инсон ўз меҳнат(касб)и фаолиятидан қатъий назар вақти билан унга қизиқини пайдо бўлиши ва сиёсий фаолият билан бевосита, фаол шугулланиши, унинг иштирокчисига (субъектига) айланипши ҳам табиий жараёнцидир.

Халқимизда шундай доно фикр бор "Ҳар бир киши сиёсат билап шугулланиши керак, акс ҳолда сиёсат у билан шугулланади". Бунда қаңцай маъно бор. Бундан сиёсат билан инсон ўргасидаги муносабатда икки хил муносабат мавжудлигини ҳамда ҳар хил оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлитетини антлаб олиш мумкин. Инсон сиёсат билан шугулланса уни сиёсатнинг фаол субъекти сифатида, унда ўзига хос сиёсий дунё қараш, онг ва маданият, ҳамда сиёсий муносабатларнинг моҳиятини идрок этадиган, сиёсий жараёнларга баҳо берадиган кўнишка, малакага эга эканлитигдан далолат беради.

Аксинча сиёсат инсонлар билап шугулланса инсонда унга иисбатан "тобе" лик руҳияти устуворлик қиласди.

Бу жамияттин сиёсий тизими, унинг характери ва мазмуни билан ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Масалан, демократик тамойилларга асосланган жамият инсонлариги сиёсаттинг субъекти сифатида, уни бевосита иштирок этишидан кўпроқ манбаатдор.

Шунга тетиши шарт - шароитларни беринши олдига мақсад қилиб қўяди. Мустақилик тифайли Ўзбекистон Республикаси шундай демократик жараёнларни амалга

ошироқда. Мақсад мамлакатда хукукий, демократия, адолатлы, фуқаролик жамияттің қуришінде.

Маңмурый бүйрүқбозлық бопқарувига ассоланған жамияттың демократик тамойиллар ривожига үрин берілмайды. Бундай жамиятта сиёсат инсонни сиёсат билан шұтулапшиның еркінлік бермайды.

Айрим инсондар сиёсий фаолият билан бевосита боғылғы бұлмасаларда, лекин бундан у инсон сифатыда сиёсат билди алоқадор зәмс у үнинг ҳәсітига таъсир күрсатмайды ва ҳеч қалай мажбурияттарни үндәш тағиб құлмайды деган хүлесини бермайды. Буни ҳисобға олиш керак.

Хозирги заман жамияттың мураккаб ташкилий түзилишінәтаки, үнда сиёсий ҳөкимият мұхым вазифаларни бажаради. Масалан, ҳар бир киши (инсон) у ёки бу давлаттың фуқаросы ҳисобланишиншың ўзи, уни давлат қурилышиншың сиёсаты билан боғлайды, үнинг хуқуқшары ва еркінліктери, бурчтарини белгилаб беради. Инсон күнделік ҳәсітида үз хохингіта боғылғы бұлмаган ҳолда сиёсат билан боғланади. Бунда инсон у ёки бу жамиятта яшар экан, албатта сиёсатдан четда бұлолмайды.

Сиёсат - бу инсонлар ўртасидеги мұносабат соҳасидір. Шунинг учун, сиёсатта жуда күп омылшар, мұносабаттар таъсир күрсатади. Шунда "Сиёсат субъекти" түшүнгілеси иштептіледи. Сиёсат субъекти дегендә, сиёсий мұносабаттарда иштептік шағындықтар, социал гурухтар, қатламлар, ташкилоттар сиёсий фаолияттың тәніпүчіліктері, сиёсатшының субъекти дегенділади.

Үзгаришта, үзгаришта ёки күлтаб - құвватлашта ійнәптирилған сиёсий фаолият билан боғылғы сиёсий реаллик, сиёсат объекті деб аталади.

Сиёсат субъекти сифатыда, алоқида инсонлар, социал гурухтар, қатламлар, институттар ва ҳаракаттар фаолияттада иштептік этишини билдирсәде, үларнинг сиёсатта тұттан үрни ва роли хилма-хил бұллади. Бунда үларнинг сиёсий мұносабаттарда иштептік үрни ва роли үлар олдида құйылған мақсад, үннің тамойиллари, манбағат доирасы билан белгіланади. Масалан, мұайш "турух манбағати" доирасидан чықа олматған сиёсат субъектишінің манбағати давлат ҳөкимияттың бевосита аралашувиның тақоза этмаслғы мүмкін. У сиёсий мұносабаттар на жараёштаршың боришиға сезиларлы таъсир күрсатмайды ёки сиёсий ахамият каеб этмайды. Фақат у әзтиборни қараташының ва үз күлами даражасыда ҳал этишиниң тақозо этади.

## 2. Сиёсат субъектлари: гурухтар және қатламлар

Сиёсий фаолиятта шундай субъектлар, ударнинг манбағатлары доирасы мавжудки у сиёсий мұносабат ва жараёнларда, уни иштеп чиқыпда ҳамда амат қилипда алоқида ахамиятта зета. Масалан, мамлакатта мавжуд түрли хил социал қатламлар, түрүхлар, үрта мұлқорлар қатламына бопқалар, әки міллатлар, қайсики инсонларни умумий тил, маданият, үрф-одат ва анъанаңдар билан боғлаб, үларни бирлаштырып тұрады. Үларнинг үзаро мұносабаттарда мұайян мұаммолар, манбағатлар доирасы мавжудки, алоқида ахамият берішни тақоза этади. Удар жамияттагы мұайян сиёсий күчлар, партиялар, ҳаракатлар, ижтимоий ташкилоттар орқали сиёсатта иштептік этади. Мұаммолар мавжуд бұлғанда уни ҳал этиши учун давлат ҳөкимияттін аралашының зарур бұллади. Сиёсатда масалан, этник ва міллаттараро мұносабаттарда зиддияттарни көлтирип чиқармаслық учун міллий қалыптар және анъанаңдарни сақтап қолиши билан боғылғы табиий интилишлары, үларни тил, маданияттағы башқа хусусияттарының әркін ривожлантириши ҳисобға олиш мұхым үрин тулади.

"Айни маҳалда, - деб таъкилдайды, - Президент И.А. Каримов, - бир міллат үз әктиежілары ва манбағатларини бопқа міллаттың ёки башқа халқ вакылларининг худи шундай интилишларини камситип ҳисобиға рүбеба чиқармаслығы лозим. Баъзи міллат, этнослар вакылларининг башқаларға такаббурлық билан менсемай мұносабатда бұлғаны каби ҳолаттар юзага чиқыши мүмкін бұлтан ҳар қандай шароитта бархам беріш лозим".

Бу мамлакатда сиёсий жараёнларни ва мұносабаттарни барқарорлаштырып, ҳамла демократик жамият қуриш вазифаларини амалда ошириш, фуқароларни мұайян социал гурухны ҳохип - иродаси, орзу - умидларини рүбеба чиқарып билан боғылғы. Уни сиёсатта алоқида әзтиборға олинини, сиёсатшының субъекти сифатыда, социал гурухтар манбағатини үзінде үйгүнлаштырады. Үзбекистон Республикасиниң күн міллаттың (політістік) давлат сифатыда, мавжуд социал гурухтарнинг манбағатларының апек ҳисобға олинаётінлігінің, міллаттараро тотувлик, ҳамжиҳатлық мисол тарзда көлтириш мүмкін.

Сиёсий фикр тарихида түрли ижтимоий гурухтар, қатламлар манбағатини ҳисобға олиш зарурлігінде алоқида әзтибор қараташының фикрларни күлтаб учратамиз. Хусусан,

А.Н. Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, А. Темур, А. Навоий, З.М. Бобур ва б. мисол тарзидә көлтириш мүмкін. Масалан, А. Темур мамлакатни мавжуд ижтимоий гурухларға таянның қолда бошқариш, уларнинг мағфаатларини ўйғун тарзда хисобга олиши зарурлитетини, ўзи шунга амал қылан қолда жамиятдаги 12-тоифани хисобга олиб бошқарғанлыгини көлтиради в.х.

Мустақил Ўзбекистон давлати сиёсатидан, мамлакаттин ижтимоий-иктисодий ривожланиши даражаси, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига - хос хусусиятлари билан мос равинида, унинг социал муносабатларининг негизини ташкил этувчи муайян гурухлар, қатламларга, уларнинг мақсал, мағфаатлари ҳамла мұаммоларини аниқ ҳисобга олтан ҳолди амалға оширилмоқда. Мамлакатимизда амалда давлат бошқаруви тизими таркиб тоңди. Давлатимизда қонун чиқарувчи орган - Олий Мажлис, салылаб күйиладиган маҳаллік ваколатлы органлари - Кентапшлар, Президент, Болғар Вазир, Болғар Вазир ўринбосарлари, тегишли ваколатта эга бўлган вазирлар ва маҳкамалар раҳбарлари, Ҳокимлар ва уларнинг таркиби бўлинмалари бор. Уларнинг пировард мақсади - ҳалқ иродаси ва умидларини, турли социал гуруҳлар мағфаатларини ҳисобга олиши ҳамда рўёбга чиқарипга қаратилиган.

Сиёсатнинг субъекти сифатида ёшлиар, социал гуруҳ ёки қатлам сифатида сиёсий муносабатларда алоҳида ўрин тутади. Мамлакатимизда ёшиларга алоҳида ўтибор берилестанлиги аввало ёшиларнинг мамлакат ахолиси таркибидаги ўрни билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, Ўзбекистоннинг келажаги ана шу социал гурухнинг мақсал ва интилишларини, мұаммоларини сиёсий муносабатларда аниқ ҳисобга олиш билан боғлиқ эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бугун Республика Олий Мажлисида «Ёшилар билан иштап қўмитаси»нинг ташкил этилганлиги, Республика телевидениссида «Ёшилар» телеканалишини очилиши, Ўзбекистон ФМДП Ёшилар қапоти, унинг «Эъзозчилар» ва «Эколог» гуруҳларининг ташкил этилиши, Республика «Камолот» жамғармаси ҳамда унинг жойларлаги бўлимлари, Ёшиларнинг сиёсатда қандай ўрин тутинини кўрсатади.

Республика ахолисини ижтимоий, иктисодий, сиёсий, маданий ҳаёт соҳалари, ҳамда уларни ёш таркиби, касб йўналишлари, ижтимоий-иктисодий авҳоли в.х. соҳалар бўйича турли социал гуруҳларга бўлиш мумкин. Бу сиёсат субъекти ва

унинг интироқиларини ўрганишила, таҳчили этипидан алоҳида ахомият касб этади.

Шунинг билан бирга Республикамиз кўпконфесияли давлат интилигига ҳам ўтиборни қаратиш лозим. Жумладан, ислом, рус православ, Рим католик, арман - тригория, мотеран, баптистлик, юдийлик в.б. диний конфесиялар ҳам мұайян ижтимоий гурухларни ташкил этади. Шунинг учун сиёсатда уларнинг ҳар бирининг мағфаатлари алоҳида ўтиборга олинмоқда.

### 3. Ўрта мулқдорлар қатлами ва сиёсий муносабат

Сиёсат ва сиёсий муносабатлар ривожида мамлакатдаги «Ўрта мулқдорлар қатлами»нинг ўрни, кўлами мұхим ўрин тутади. Яъни мамлакатда ўрта мулқдорлар қатлами қанча купайиб борса, шунча баркарорлик ва мустақиллик мустаҳкамланиб боради. Ижтимоий иктисодий ислоҳотларнинг, бозор иктисоди ва хусусий таштириш жараёндан кўзлашсан мақсадлардан бири ҳам шунда. Сиёсий тафаккурда «Ўрта мулқдорлар синфи» тушунчаси ўтмишда ишлатилган «синф» тушунчасидан тубдан фарқ қиласи. Бу ўринда ган агар мулқ шакллари хилма - хилтиги бириичи навбатда хусусий мулқ ҳарқандай давлатнинг демократик негизлари баркарорлигининг иктисодий асоси ҳисобланса, реал ишлаб чиқарип воситааришини ўрта мулқдорлардан иборат кучли қатламиниң мавжуд бўлиши унинг сиёсий асоси окалиги тўғрисидадир. Кўпуклади яъни мулкнинг хилма - хилтиги асослашсан иктисодни шаклантириш унинг кафолати бўлиб хизмат қиласи. Бу «давлат бой бўлса, оила, ҳар бир одам бой бўлди» деган фикрни ўринида аксинча, «оила, ҳар бир одам бой бўлса давлат ҳам бой бўлади» деган гояни амалда тасдиқлайди.

Ўрта мулқдорлар қатлами сиёсатнинг «субъекти» сифатида ўзини намоён эта боради. Шунинг учун «гадбиркорлар», «мулқ эталари синфи» яъни мустақил, ўз хусусий ишита эта кишилар тоифасини шаклантириш ҳукумат ва маҳаллий ҳокимликларининг олдидаги турган мақсал ва вазифалар сирасига киради. Давлатнинг куч - кудрати ҳам анибало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатини учун шарғ - шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий - ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқарип, тадбиркорлик ва иктисодий ташаббуслар эркинлитечеси зарур имкониятларни ташкил этиб берип қобилити билан ўтчашади. Бу соҳада

Узбекистонда эришилалашган югуқлар ўрта мулкдорлар қатламининг кенг ривожланишидан далолат бериб турибди. Сиёсий муносабатларда уларнинг манфаат, қизиқиши ва муаммолариши тўлароқ ҳисобга олиш келгусида ҳам субъектси сифатида мамлакатда сиёсий жарабёнларни ривожида янги истиқболларга эга, ҳамда сиёсатда муҳим ўрин тутади.

### Таянч тушунчалар

**Сиёсат субъекти.** Сиёсий манфаатлар хилма - хиллити. **Сиёсат субъектлари.** Инсон. Социал турӯхлар ва қатламлар. «Ўрта мулкдорлар синфи. Миллат. Ёшлар. Сиёсий партиялар. Диний конфессиялар. Ўрта мулкдорлар қатлами ва манфаатлар ўйгунлиги. Сиёсий барқарорлик.

### Мустақил иш учун тошириқчлар

1. Сиёсат субъектларини апиқланг? «Сиёсат субъекти» ва «объекти» тушунчаларини таҳдил этинг?
2. Ўрта мулкдор синфи ва сиёсий барқарорлик жарабёнларини боғлиқлитетини кўрсатинг?
3. Сиёсат субъекти сифатида ёшлар, уларнинг мақсадларини манфаатлари ҳамда сиёсий муносабатларда туттан ўрнига муносабат билдиринг. Сиёсий таҳдил этинг?

### Адабиётлар

1. Узбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Узбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бўсаёнида : хавасозликка таъдид, барқарорлик шартлари ва тараққёт кафолатлари. Т.: Узбекистон, 1998.
3. Каримов И.А. Жамиятимиз мазкураси ҳалқни-ҳалқ, миллатни-миллат килишига хизмат этини. Т.: Узбекистон 1999
4. Каримов И.А. Узбекистон XXI асрига интилоқда. Т.: Узбекистон, 1999
5. Каримов И.А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт- шировари мақсалимиз». Т.: Узбекистон 2000.
6. Каримов И.А. Миллий истиқтол мазкураси - ҳалқ эълиқоли ва буюқ келажакка ишончлар. Т.: Узбекистон, 2010.
7. Узбекистон XXI асрига интилоқда. Т., Узбекистон, 2000.
8. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва мътинаштирик. Т.: Шарқ, 1997.
9. Азизхўжаев А.А. Демократия ҳалқ ҳокимигити демократир. Т.: 1996.
10. Смергунов Л., В.Семенов. «Политология». Санкт-Петербург, 1996.
11. Эргачев И. Тараққёт фалсафаси. Академия, 2000.

## СИЁСИЙ ОНГ, МАДДАНИЯТ ВА МАФКУРА

### 13-мавзу. Сиёсий онг

#### Режа:

1. Сиёсий онг: тушунчаси, манбаи ва функциялари.
2. Сиёсий онгнинг даражалари ва шакллари.
3. Сиёсий онг шаклланишининг асосий омиллари.

#### 1. Сиёсий онг: тушунчаси, манбаи ва функциялари

Сиёсий онг нима? У қандай функцияларни бажаради? Сиёсий онг - сиёсий фан категорияларидан бири ҳисобланади. У ўзининг моҳияти, манбаи, функцияларига кўра иқтисодий, хукуқий, фалсафий, ахлоқий, эстетик, диний ошдан фарқ, қиласди.

Сиёсий онг - сиёсий борлиқнинг идрок қилинишидир. Кишилар мавжуд сиёсий воқеълик билан қаноатланиб қолмайдилар. Улар ҳамиша бу воқеъликни билишга, англапта ва уни ўзгартирипта интиладилар. Кишиларнинг ана шу сиёсий борлиқ ҳақиқати билимлари, қарашлари, тасаввурлари уларнинг сиёсий онгиши ташкил этади. Сиёсий онг - бу кишиларниң сиёсий билимлар, тасаввурлар, маслаклар, эътиқодлар, ўзлари янаб турган сиёсий тузумга баҳо беришлари ийғиндисидан иборатлар.

Сиёсий онг - сиёсий борлиқнинг субъектив акс этишидир. У сиёсий воқеъликни қашдай бўлса, шундай, холосона тарзда, бўямасдан, бўрттирасдан, мутлақлаштирасдан акс этиради. Бироқ, сиёсий онг сиёсий воқеъликни ойна каби қандай бўлса, шундай, механик тарзда, жонсиз акс этирмайди. У сиёсий воқеъликнинг сир-асорига «кириб» борувчи, ундан ишларлаб кетувчи, ижтимоий сиёсий жарабёнларнинг ўзгариши ва ривожланишини башпорат қилувчи акс этишидир. Сиёсий онг - жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва унинг барча бошқа соҳаларига катта таъсир кўрсатишга қолир бўлган ижтимоий ҳодисадир. Бундан ташқари, алоҳида олинган кишиларнинг ҳам, жамият ижтимоий - сиёсий бирлашмаларишининг ҳам худқ-автори ва фаолиятларининг характери кўп жихатдан сиёсий онгнинг шаклланиш ва ривожланиш даражаларига боғлиқдир. Шунинг утун ҳам ижтимоий жарабёнларни сиёсий бошқариш амалиётида, ҳам жамиятнинг, ҳам уни ташкил этувчи индивидлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг сиёсий онги ҳолатини ҳисобга олиш ўға муҳимдир. Бу ўринда ҳокимиятлар, сиёсий партиялар ижтимоий-сиёсий мувозанатни сақлаб туришга имкон берадиган, дав-

латнинг ижтимоий тараққиёти эктиёжларини тұла ифода этилган сиёсий оғзғы шакылантириш ва ривожлантиришига иштесилари зарур бұлады.

Сиёсий онг күпинча сиёсий тасаввурлар йигиндисидан ибраг бұлады. Сиёсат дүнёси маңнавий соҳасининг ўзи тасаввурлардан ташкіл топады. Онгсиз, тасаввурларсиз кишилик жемияти бұлмагаписек, сиёсий оғзғысиз, тасаввурларсиз ҳеч қандай сиёсий соҳасын бұлиши ҳам мүмкін емес.

Сиёсий онг - бу гурухий харakterге зәға бўлган онглар. Ҳар бир кипи маътум ижтимоий гурух, табақашинг аъзоси, бирорда миљатнишг вакили, бирор давлатнишг фуқароси ҳисобланади. Мана шу мансублик кишилар сиёсий оғзғипинг мазмунини белгилайди. Боншакча қилиб айттанды, сиёсий онг кишилар томонидан ўзларининг бирон-бир гурухга мансуб экашликтарини англап асосида шакыланади. Гурухга мансублик эса ўз навбатида кишиларда муайян сиёсий позицияга эталик ҳиссенин туғдиради.

Сиёсий онг нафақат гурухий, балки индивидуал харakterга ҳам этади. У аниқ тарихий шарт-шароитниң, муайян омиллар таъсириниң маҳсулидир.

Сиёсий онгнинг шакллапиши ва ривожлантишина қўйидаги манбалар асосий омил бўлиб хизмат қиласади.

Биринчи манба - инсоннинг ойладавий мухитидир. Сиёсий ғоятилар ва ҳиссиятлар унга ойладани тарбия орқали берилади. Бунда ўғри келуучи ижтимоий-рухий қарашлар - сиёсий онгнинг пойшевориши барно этади. Унинг негизида эса фуқаро шахси шакыланади.

Иккинчи манба - бу кенг маъподати ахборотдир. У инсонта ҳам муомала орқали, ҳам оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, матбуот) орқали «кириб» боради.

Учинчи манба - бу индивидуниң шахсий тажрибасидир. Бу шахсий тажриба олиштан билинчи рад қиласади ёки тасдиқлайди. Бироқ у ҳар қандай ҳолатда ҳам сиёсий оғзғиниң шактланишини ва ривожлантиши жараённана мухим таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган манбалар инсонга сиёсат дүнёсини таҳдит этишга ва унга нисбатан муносабатини белгилаб олишда имкон берувчи билимларниң йигиндисини ташкіл этади. Бунда ойлаган билимлар түрли аудиодар томоцидан түшлантан тажриба сифатида ҳам бўлиши мүмкін, аммо шу билан бирга хуроғодлар материалы ҳам бўлиши мүмкін. Ахборот хақиқият ҳам, ёки ёлтоң ҳам бўлиши мүмкін. Инсоннинг ҳаёттый тажрибаси ҳам унин бошидан кечирилган бойлити бўлатуриб типик бўла олмаслиги ва сиёсий воқедикни акс эттира олмаслиги ҳам мүмкін.

Ҳар қандай шароитда ҳам инсоннинг ўзи бу омилларни күпроқ ёки озроқ даражада равшан бўлган ва маънавий жиҳатдан тузилган сиёсий тизим ўзгартиради. Кўп кишиларда бу жараён стихияли тарзда, тасодифан ва мавхум равишда солар бўлаци. Бундан ташқари кўп кишилар уларга ўргаттан, ёки бошқа ташқи манбалардан бўлган сиёсий мўлжалаша қаратишсан фикр муроҳазаларни қайтаришга мойил бўладилар.

Кишиларниң сиёсий муаммоларни англапи, сиёсат дүнёси ғиқидаги тасаввурлари, қизиқишилари билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, оғир аҳволда қолған корхона ингчиси итиғин бўниятини кўзда тутмайдиган қарорларни - вазиятни ўргилаш бўйича яхши қарорлардир, деб ҳисоблайди. Ношқараётган паргияниң фаоли, агар ҳокимиятга муҳолифат келса, мамлакатда иқтисодий вазият ёмошлашади, деб ўйлайди. Агар бирор сиёсий арбоб коррупцияда айбланса, уни ўзининг сиёсий манқебига боғланган ҳолда айбор, деб ҳисоблайди.

Демак, воқелик ўзидан-ўзи сиёсий онг орқали баҳоланмайди. Унинг қабул қилинishi кишиларнинг аввалги ютиқодлари ва манфаатларига ҳам боғлиқдир.

Сиёсий онг якка ҳолда емес, балки ижтимоий онгнинг бошқа шакллари: иқтисодий қарашлар, фалсафий таълимоглар, ҳукуқий назариялар ва месъёрлар, ахлоқий қонуниятлар, эстетик қадриялар билан ўзаро боғлиқ ва бирталикда ҳаракат қиласади.

Кўп сиёсий таълимоглар ва қадриялар сиёсий онгнинг маҳсали бўлатуриб, хозирги жамиятда ғоявий аҳамиятта этади. Улар факат кишиларнинг сиёсий маданийтини такомиллантириш учунгина емес, балки инсониятнинг маънавий, маърифий, маданий тараққиёти учун ҳам жуда мухимдир.

Шу билан бирга, айрим давлатлар ва улардаги бирлашмалар, ижтимоий гурухлар, миллатлар, партияларниң сиёсий фаолияти жараённанда сиёсий онгнинг у ёки бу позицияси тўғри келмай қолиши муросасизликка ўсиб ўтмаслиги, унинг тиҷиҷи, маданий характерда бўлиши ўта мухимдир.

Энди сиёсий онгнинг функцияларини кўриб чиқамиз. У ҳам ижтимоий онгнинг бошқа шакллари каби бир қатор функцияларни бажаради. Бу функцияларга қўйидағилар киради:

1. **Билиш-ахборот берини**. Кишилар эртами ёки кечми, доҳчайдими ёки йўқми, аммо муқаррар равищда сиёсат дүнёсига дуч келади. Улар бу соҳа билан шугулланишини доҳдамасаларда сиёсат улар билан барибири «шугулланади». У кишиларниң ҳаёттига ва тақдирига давлат, партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари орқали таъсир кўрсатади. Сиёсат кишиларига сиёсий ахборот кўришинида «кириб» боради.

Хозирги ҳаётнинг механизмлари шундайки, кишилар доимо бирор йўлни, шу жумладан сиёсий йўлни ташлаб олишга мажбурларлар. Бу уларни сиёсат дунёсини билишга, сиёсий ахборотларни эгаллашга унрайди.

Сиёсий онг бу томондан қараганда кишиларга сиёсий билимлар ва ахборотларни ўзлантиришга, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз ўрнини белгилашга ва унда тўғри мўлжалани олиши ёрдам беришта чақирилганлар.

**2. Баҳолаш** Сиёсий онг социал - сиёсий воқеаликни нафақат билади, изоҳлайди, балки уни баҳолайди. Киншилар у ёки бу сиёсий ҳодисалар ва воқеаларни англаш жараёнича, уларга ўз муносабатларини билдирадилар, ўзлари учун муайян худосаларни чиқарадилар. Айнан сиёсий воқеаликни баҳолаш асосида кишилар ўзларининг сиёсий қарашларини, эътиқодларини, позицияларини, қизиқишларини шакллантирадилар.

**3. Йўналтириш** Сиёсий онг кишиларга ўзларини жамият ва давлат оллида нафақат бурчтарга, мажбуриятларга, балки муайян хукуқтар, эркинликлар ва сиёсий манфаатларга эта бўлган фуқаролар эканликларини англатап ёрдам беради. Ўз навбатидан фуқаролик ўзини-ўзи идрок этиш кишиларни социал воқеаликни бўши, бир томонлама англашдан ижтимоий-сиёсий ҳаётда аниқ ва фаол иштирок этишга унрайди. Бу билан сиёсий онг ўзини Йўналтирувчилик функцияси орқали кишиларни аниқ сиёсий хулқ-авторини, ўзларининг социал сиёсий манфаатларини ҳимоя қилишлари учун ижтимоий ҳаётда иштирок этишиари, сиёсий партияларга, жамоат ташкилотлари ва бошқа сиёсий уюшмалари ўзларининг ҳам фикрлари билан бирлатишлари зарурлитини ўйнотади.

**4. Тартибга солиш** Сиёсий онг воқеаликни идрок этиш асосида, ҳамда унинг томонидан ишлаб чиқишидан сиёсий гоялар, меъёрлар, тасаввурлар ва эътиқодлар негизида кишиларни ижтимоий хулқ-авторларини тартибга солади.

Сиёсий ошгининг тартибга солиш функциясига эҳтиёж жамият тараққиётининг кескин бурилиш босқичларида, инқизозли даврларида мислсиз ортади. Айнан сиёсий тизимнинг самардорлиги, воқеаларнинг ривожланиш йўли, ижтимоий-сиёсий йўналтиришшаглиги жамият кенга қатламларининг сиёсий ошигига, «юқорицагилар» нинг сиёсий кўрсатмаларига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий онг - социал субъектлар (индивидуалар, гуруҳлар, синфлар, ижтимоий бирликлар) шинг ижтимоий ҳаётнинг сиёсий соҳаси ҳақидаги билимлари, тасаввурлари ва баҳолашларининг йиғицлисидан иборатdir. У бир қатор функцияларни: билиш, баҳолаш, йўналтириш, тартибга солиш

каби функцияларни бажарип билан жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди, уни харакатта келтириди, ўзгартириди.

## 2. Сиёсий ошгининг даражалари ва шакллари

Сиёсий онг - бу фавқулотда мураккаб ва кўп киррали ҳодисадир. У турли-туман даражалар ва шаклларда, аввало, маҳсус ва оммавий сиёсий онг шаклларида мавжуд бўлади.

**Махсус сиёсий онг** - бу қоида бўйича, мафкуравий жиҳатдан бир хил бўлган онгдир. Дастроб у кам соили кишиларнинг мулки ҳисобланади. Унинг ташувчилари - сиёсий партиялар ва бошқа сиёсий ташкилотлар ва бирлашмалардир. Улар муайян йўналиш бўйича оммавий онтни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган мақсадда мувофиқ фаолият зарурлитини белгилайди.

Махсус сиёсий онгда бош масала - ижтимоий гуруҳлар, қатламларнинг оддий вакиллари ошита муайян кўрсатмаларни, қоидаларни ишлаб чиқин, ривожлантириш ва жорий этишдир.

**Оммавий сиёсий онг** жамият эҳтиёжларининг даражаси ва мазмунини бевосита ифода этади. У сиёсий воқеалик ҳақидаги жамият билимларининг характеристики ҳам акс этиради. Бундай билимлар, бир томондан, турли мафкуралар томонидан ишлаб чиқилади ва сиёсий маданиятда мустаҳкамланади. Иккинчи томондан эса ушбу билимлар ижтимоий гуруҳларнинг амалий фаолияти томонидан кўлта киритилади.

Оммавий сиёсий онг аниқ-тарихий ва ўзгаруичан характеристикалар. У тез-тез кўтарилиши ва пасайиш даврларини ўз бошидан кечиради. Унга кўплаб омиллар: у ёки бу партияларнинг сиёсий йўли ва тактик-стратегик фаолияти, турли ижтимоий алов-далғовлар, муайян тарихий вазиятнинг мазмуни ва бошқалар таъсири ўтказиб туради.

Махсус сиёсий онг ва оммавий сиёсий онг ўзаро чамбарчас боғланадир. Реал ҳаётда улар ўртасидаги алоқаларнинг турли варианatlари бўлишиб мумкин.

Айрим вақтларда муайян сиёсий партия томонидан пазарий ва амалий воз кечирилган ва бартараф этилган қоидалар, урфодатлар жамиятнинг сиёсий оптика узоқ вақтлача асорат сифатида сакланиб қолиши мумкин. Бу ҳолни кўплаб сиёсий арбоблар, доиншманлар таъкидлаган эдилар.

Тескари вазият ҳам бўлиши мумкин: оммавий сиёсий онгда у ёки бу сиёсий ҳаракатнинг, қашдайдир сиёсий қарорни қабул қилишининг зарурлиги эътироф этилади, маҳсус онг эса бунга тайёр эмас. Масалан, мамлакатда кўп партияйиликнинг зарурлиги ҳақидаги гоя жамиятда олдиндан ўз таасиғини тошган

бұлса ҳам, керак бўлган ташаббус ҳукмрон партия, давлат тоғыдан анча кечиқиб қилиниши мумкін.

Ўз-ўзидан яққол кўриниб турибдики, жамиятнинг конструктив ва барқарор ижтимоий-сиёсий тараққиети учун маҳсус шоммавий сиёсий онгнинг ўзаро ҳаракати жуда муҳимдир. Уларниң кишилар ва жамиятнинг уни ташкил этувчи ижтимоий турұхшарнинг ички дүнәсидати, қайфиятидаги ўзgartаришларын биргаликдати аниқ ва ўз вақтидаги реакцияси, жағоби бундан ҳам муҳимроқдир.

Сиёсий онг назарий ва эмпирик даражаса шаклларга ажralади.

**Назарий сиёсий онг** - бу сиёсий характерта эга бўлган турли турдаги фоялар, концепциялар, қарашшарлар. Унинг белтилари:

- яхшитлик;
- системалашшанлик;
- башорат қилишга қобилятиллик.

Мазкур онг фан ва у ёки бу ижтимоий қатламларниң қарашлари билан чамбарчас боғланғандир.

Сиёсий назариялар на таълимогларда қўйидаги муаммоларни тадқиқ этиш мақсад қилиб қўйилади:

- а) сиёсатнинг маъни-мазмунли кўринишлари;
- б) қотупний сиёсий тенденциялар ва жараёнлар;
- в) уларни көлтириб чиқарадиган сабаблар;
- г) сиёсий позициянин реал йўли;

д) қонунчилик, маъмурий ва суд органдарни томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ҳақиқий ва қелижакла содир бўладиган оқибатлари.

Назарий сиёсий онгнинг хусусияти - униг иқтисодий, хуқуқий, ҳарбий-стратегик ва бошқа реаллик билан чамбарчас боғлиқлигидир. Сиёсий онгнинг ушбу шакли сиёсий назарияларнинг керакти сиёсий дастурлар, декларациялар ва доктриналар бўлиб шаклланғандиги билан ҳам фарқ қиласи.

Амалиётда жорий этиладиган униг дастурлар, декларациялар ва доктриналар сиёсий онгни сиёсатнинг етакчи элементи сифатида мустаҳкамлаб қўядилар. Сиёсий муносабатлар на сиёсий институтлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг характеристи ўз навбатida бу элементнга борлиқдир.

Назарий онг даражаси ва шаклида сиёсатни аңглаш қўйидагиларни:

а) униг муҳим мақсадлари ва ҳам фундаментал (стратегик), ҳам кундалик (тактик) вазифаларни қўйиш ва ҳал этишга;

б) уларга эрпишниш воситалари ва усусларини аниқлашга;

в) долзарб муаммоларни ҳал қилишда ташкилий-сиёсий жиҳатдан таъмин этишининг йўналишлари ва йўларини аниқлаб олишга;

г) сиёсий қарорлар ва мақсални дастурларнинг бажаридиши устидан социал назоратта концептуал ёндашувларни ишлаб чиқишга;

д) амалий тажрибани хисобга олган ҳолда сиёсатта тузатишлар киритишга имкон беради.

**Эмпирик сиёсий онг** - бу бевосита амалиётга, сиёсий жараёнда алоҳида кишиларнинг, майда ва йирик социал бирликларнинг жонли ишларига асосланган сиёсий онг даражаси ва шаклидир. У назарий сиёсий онгнинг замини бўлиб хизмат қиласи.

Эмпирик сиёсий онг - сиёсий воқеаликни ҳиссиятлар, тасаввурлар, иллюзиялар, кечинмалар шаклида акс этиради. У биринчидан, омма да сиёсий арбобларга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириши учун озуқ бўлиб хизмат қиласи;

Иккинчидан, жамият сиёсий маданиятининг маънавий негизи бўлиб хизмат қиласи.

Сиёсий онг «ижтимоий сиёсий онг» ва одий (кундалик) онг даражаса шаклида ҳам ажralади.

**Ижтимоий сиёсий онг** - бу расмий сиёсат ишлаб чиқариладиган, асосланадиган, амалга ошириладиган ва сиёсий муносабатлар тартибга солинадиган сиёсий онг даражасидир. Унинг ташувчилари-давлат институтлариидир. Бу институтлар сиёсий муносабатларни турли конун лойиҳалари, дастурлар, қарорлар, конституциялар ва уларниң моддаларига тузатишлар ва бошқаларни ишлаб чиқиши, қабул қилиш, ҳаётда талбиқ этиш йўли билан тартибга солади.

Бу онг даражасининг энг муҳим белиси - турли сиёсий кучларниң умумий манбаатларини ифода этишга иштилинидир. Бу даражада мавжуд сиёсий тартиблар ва бошқариш приципишилари изчиллик, қатъиятиллик билан ҳимоя қилинади, жамоатчилик фикрини давлат институтлари олиб бораётган сиёсатта мослаштирилиши содир бўлади.

Сиёсий онг учун сиёсий воқеаликни оқилона - прагматик услубда илрок этиш - ҳокимиятни этаплари, қўлда ушлаб туриш жараённада муваффакиятга эришишни мўлжаллаш ҳам характеристи хусусиятларидир.

**Одий сиёсий онг** - бу ижтимоий қатлам ёки кишилар гурӯхларнинг кундалик ҳаётидан бевосита пайдо бўладиган юялар ва қараштар йиғинидисидир. У мазмунига кўра кўп жиҳатдан эмпирик онга ўхшашдир. Лекин, одий онг эмпирик онгдан фарқ қиласи. У муайян мағкуравий ва назарий элементларга этадир.

Оддий оңға равшан кўзга ташланадитан социал-рухий белгилар: зиддиятлилик, ўзгарувчанлик, тизимга кирмаганини, хиссият, кайфият, эҳтирослар хосдир. Бу унга ўзига хос динамиклек (тез ўзгарувчалик) сиёсий вазиятнинг ўзгаришини аниқ хис этиши бахшида этади.

Сиёсий онгнинг оддий даражаси рационализм ва эмоционализмнинг, жонли ҳаёт тажрибаси ва анъаналарининг, лакирил кайфият ва баркарор стереотипларнинг ўзаро боғлиқлиги билан фарқланади. Шунинг учун ҳам у бекарор, хиссият ва бевосит тажрибанинг ўзгаришига боетиқ төбранышларга маҳкум этилади.

Шундай қилиб, сиёсий онг фавқулодда мураккаб ва күп қирралы ҳодисадир. У пафақат сиёсий воқеликни акс этиради, балки уни ижод қиласди, ўзгартиради.

### 3. Сиёсий онг шаклланишининг асосий оминалари

Сиёсий онг инсонда муайян ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий шарт-шароитлар негизида шаклланади. Бундай шарт-шароитлар мавжуд бўлmas экан, инсонда сиёсий онг шаклланмайди. У сиёсатнинг обьектлита қолаверади. Сиёсий онгнинг шаклланиши - мураккаб жараёндир. Бу жараён аввало, ижтимоий-сиёсий шарт-шароит - демократик сиёсий тартиботнинг мавжудлигига боғлиқдир. Жамиятда бундай мунисабатлар мавжуд бўлмаса, мустаҳкамтаниб борилмаса инсонда сиёсий онг шаклланмайди. Жамиятда мавжуд бўлган авторитар, маъмурий-бўйруқбоздик сиёсий тизими эса инсон сиёсий онгнинг шаклланишига имкон бермайди. Аксинча, бу тизим инсонни қутилка маҳкум этади, уни ҳокимиятдан бегоналаштиради, бикирлик, бефарқликни туғидиради, бошқарув аппаратларини халқдан узоклантиради.

Жамиятда демократик сиёсий тизимнинг мавжудлиги ва унинг мустаҳкамланиб бориши - инсонда сиёсий онг шаклланишининг ҳал қилувчи шартидир. Бундай сиёсий тизим инсон сиёсий онти ва фаолиятининг ривожланишига кенг имкониятлар яратади, уни рағбатлантиради. Жамият сиёсий тизими қанчалик демократик бўлса, инсон шунчалик сиёсий ҳаётда фаол иштирок этади.

Сиёсий онгнинг шаклланиши жамиятда фақат демократик сиёсий тизимнинг мавжудлиги билан белгиланиб қолмайди. У жамият иқтисодиётининг тараққий этиб бориши даражасига, халқнинг моддий фаровонлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Жамият иқтисодиётининг юқори даражада тараққий этиши фуқаролик хизматининг билимдон, малакали, касбий тайёр-

чиликка эта бўлган бошқарув кадрлари корпусининг шаклланни учун зарур база бўлиб хизмат қиласди. Етиқмөччилик, қишишпоқдик шароитида демократия негизида самарашибошқариш учун зарур бўлган умумтаълим ва касб тайёргарлигининг юқори даражасига оммавий миқёсла эришин қийин. Бундай шароитда кадрларни шакллантириша, улардан фойдаланишда билимдонлик ва касбга бўлган талаблар бошқа тамойиллар: қон-қардошлиқ, юртдошлиқ, ошна-оғайшигарчиллик, бошқарува солиқлик ва бошқалар билан алмаштирилади. Давлат хизмати, сиёсий фаолиятта тезда бой бўлиб кетиш мақсадида шахсий манбаатларини қонлиришнинг воситаси сифатида қараш бошқариш тизими учун оғир оқибатлар келтириб чиқаради.

Иқтисодиётининг тараққий этиши, жалқиниң фаровонлигига эришуви - сиёсий онг шаклланишининг асосий шартларидан биридир. Жамият қанчалик иқтисодий жиҳатдан тараққий этиб борса, у идора қилишининг демократик шаклларига шунчалик очиқ бўлади. Халқ қанчалик бой ба бадавлат, фаровон яшаса, у шунчалик демократияни қўллаб-куватлайди ва ҳимоя қиласди.

Сиёсий онгнинг шаклланиши жамиятнинг маънавий-маърифий ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Сабаби, маънавий-маърифий жиҳатдан тараққий этмаган жамият ҳеч қачон инсонни сиёсат субъекти сифатида шакллантира олмайди. Бундай жамият ва унинг фуқаролари сиёсий манипуляция - фирибгарликнинг объекти бўлиб қолаверади. Маънавий қашшоқ, саводсиз бўлган инсон жамият англаған халқро сиёсатдан ташқарида бўлади. У сиёсий харакатларининг субъекти эмас, балки обьекти бўлиб қолади. Тарихий тажриба шунинг кўрсатадики, жамиятнинг маънавий-маърифий соҳаси, инсоннинг маълумотлилик даражаси қанчалик юқори бўлса, у шунчалик сиёсий билимдон ва сиёсий йўналтирилган бўлади. Энг асосийси, демократик йўл, кўрсатмалар, ҳатти-харакатларга мойил бўлади. Хусусан, мукаммал таълим инсоннинг сиёсий дунёқаранини кенгайтиради, сабр-тоқатли, меҳр-оқибатли бўлишига ёрдам беради, экстремистик ғояларга алоқалор бўлишидан саклайди, сайлов компаниялари даврида унинг одил ва оқилона йўлни ташлаш қобилиятини опиради. Юқори маълумотга эта бўлган шахс ҳукуматнинг қарорларини, кўрсатмаларини яхши англаиди, сиёсий хабарларни чукур билади, кенг доирадаги масалалар бўйича ўзининг мустақил фигурига эта бўлади. Инсон қанчалик маълумотли бўлса-да, унинг сиёсий баҳс-мунозараларда иштирок этиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. У ўзини кичик бир мурнат эмас, балки ҳукуматта таъсир кўрсатишга қодир инсон, деб ҳисоблайди. Индивид

Режа:

1. Сиёсий маданиятнинг моҳияти ва унинг структураси.
2. Сиёсий маданиятнинг даражалари моделлари ва турлари.
3. Ўзбекистонда Миллий сиёсий маданиятни тиклаш зарурати ва амалиёти.

Политология фанини бевосита ўрганадиган муҳим мавзулардан бири, бу сиёсий маданият мавзусидир.

Сиёсий маданият – жамият сиёсий тизиминин энг муҳим элементларидан биридир.

Жамиятда сиёсий маданиятнинг нечоэлик ривожланганлик даражасига қараб, унинг сиёсий тизимини қанчалик мукаммал ташкил қилингаштига баҳо бериш мумкин бўлади. Бошқача сиёсий ва хукуқий жиҳатдан лаёқатлилик даражасига фуқароларпинг сиёжамиятда сиёсий ва давлат институтларини ташквалиниши, фаолият кўрсатишига, шунингдек давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни ташкил қилинниш жараёнига катта ва ҳал қилювчи, таъсир ўтказувчи омил сифатида намоён бўлади.

Сиёсий маданият ўзининг мазкур жиҳатлари билан мамлакатда сиёсий барқарорликни сақлаш, мустаҳкамлап, жамиятни демократиялантириш, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга опириш жараёнида, аҳолини маънавий жиҳатдан юксалтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

### 1. Сиёсий маданиятнинг моҳияти ва унинг структураси

Сиёсий маданият умуммиллий маданиятнинг ўзига хос, шубилип биргаликда ажралмас қисми ҳисобланади. Сиёсий маданият, авваламбор, кялта ва кичик ижтимоий гуруҳларнинг, умуман, инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнича олган сиёсий тажрибасидир, деб айтиш мумкин. Сиёсий маданият бир жойда котиг турмайди, у доимо ўсишда, ўзғариша бўлади. Айни бир пайтда сиёсий маданият бўш жойда, ўз-ўзидан пайдо бўлиб ҳам колмайди. Сиёсий маданиятнинг шаклланишига таъсир қилювчи кўплаб омиллар борки, биз бу ҳақда кейинирок алоҳида тўхтalamиз.

Хўтиб, сиёсий маданият тушунчаси қачон пайдо бўлган, унинг моҳияти нималарда ўзининг аникроқ ифодасини тоҷади?

Ипсолларнинг бевосита маънавий ҳаёти, қадриятлари, дунёқарали, урф-одитлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлувчи сиёсий ҳолиса бўлган сиёсий маданият омили худди сиёсатнинг ўзи каби узоқ тарихга эгадир. Сиёсий маданият тушунчаси у ёки бу тарзда қадимги мутафаккирлар томонидан ҳам маълум дара-

қанчалик маълумотли бўлса, у муайян жамоат ташкилотлари нинг фаол аъзоси бўлиши, ўзини ўраб турган ижтимоий-сиёсий мұхитта ишонч билдириши эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Шундай қилиб, сиёсий онг муайян ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий омиллар, шарт-шароитлар негизида шаклланади. Бу омиллар ё инсон сиёсий фаолиятининг ривожланнишига, унинг сиёсат субъекти сифатидаги потенциал фазилатларининг очилишига ёрдам беради ёки бу жарагасиленарни қийиплантиради ва эски сиёсий тизим негизини сақлаб қолади.

### Таъиин тушунчалар

Сиёсий онг, сиёсий онгният функциялари, сиёсий онг даражалари ва шакллари, маҳсус сиёсий онг, оммавий сиёсий онг, назарий сиёсий онг, эмпирик сиёсий онг, оддий сиёсий онг, сиёсий онг шаклланишининг омиллари.

### Мустақил иш учун топшириниёнлар

1. Сиёсий онг мазмунига кўра қанақа турларга бўлинади? Бу турлар қандай омиллар билан белгитанади? Жавобингизни асосланг.

2. Янги сиёсий онгният шаклланиши жараёнида сиёсий билимларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Буни тушунтириб беринг.

### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конситуцияси.-Т: «Ўзбекистон». 1998 й.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келлаҳик сари.-Т: «Ўзбекистон». 1998 й.
3. Каримов И. А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига шикозман. «Фидокор», № 68 (168), 2000 йил, 8 июн.
4. Ўзбекистон XXI асрга иштимоюда. Т., Ўзбекистон, 2000.
5. Гаджиев К. С. Введение в политическую науку. М. 1997.
6. Панарин А. С. Политология. М., 1997.
7. Оғамуродов С., Эрганин И. Э., Акромов Ш., Қодиров А. Политология. - Т: «Ўзбекистон», 1999 й.

жада талқин қилинган. Сиёсат оламининг буюк доңишмандлари бўлмиш Конфуций, Арасту, Афлотун, Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Хожиб, Макиавелли ва бошқаларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

«Сиёсий маданият» терминининг ўзи эса анча кейинроқ наидо бўлди. Уни илмий муомалага биринчи бўлиб XVIII асрда немис файласуфи ва маърифатпарвари И. Гердер олиб кирган деб ҳисобланади.

Эмпирик асосга эга бўлган сиёсий маданият тўғрисидаги илмий концепциялар эса гарбда XX асрнинг ўргаларига келибгина шаклдана бошлади. Бунда Йирик ҳақаро тадқиқотчилар бўлган Г. Алмонд, Х. Файсер, С. Верба, А. Липсет, М. Дюверже, У. Розенбаум, Г. Паузэл, Л. Пай қабиларнинг улкан ҳиссалари бор. Масалан, ҳозирги замон политологиясида биринчилардан бўлиб «сиёсий маданият» тушунчасини ишлаттан америкалик назариётчи Х. Файернинг 1956 йилда босилиб чиқсан «Европанинг буюк давлатлари бошқарув тизими» номли китоби сиёсий маданиятнинг моҳиятини аңгаш йўлида қўйилган дастлабки муҳим қадамлардан бири бўлган бўлса, ундан сал кейинроқ Г. Алмонд ва С. Верба беш мамлакат АҚШ, Буюк Британия, Германия, Мексика ва Италия сиёсий жараёшларини тадқиқ қилиш асосида 1963 йилда ўзларининг «Фуқаролик маданияти» номли китобини ўлон қўйдилар. Шундан иккى йил кейин, 1965 йилда Л. Пай билан С. Верба ўнта мамлакат жамияти сиёсий маданиятини ўрганиш асосида «Сиёсий маданият ва сиёсий тараққиёт» номли асарни нашр қўйдилар.

Мазкур икки Йирик илмий иш сиёсий маданиятнинг ҳозирги замон концепцияси шаклланишига муҳим туртки бўйла, ҳамда сиёсий маданият назариясининг келажакдаги тараққиётига маълум даражада замин тайёрлаб берди.

Сиёсий маданиятга оид мавжуд адабиётлар таҳтили шуну кўрсатади, сиёсий маданият тушунчасини талқин қилишда турлича ёндашувлар мавжуд. Бу табиий ҳол албатта, лекин ударнинг барчасини бир-бирига боғлаб турувчи умумий жихат ҳам мавжуд. Бу – сиёсий маданиятнинг жамият сиёсий-ижтимоий жараёшлари, сиёсий институтлари билан бевосита узвийлиги ҳолатидир.

Бу ўринда сиёсий маданиятнинг ҳозирги шақда илмий муомалада мавжуд бўлган қўйидаги талқинларини келтириб ўтиш мумкин.

- сиёсий маданият бу - ўзига сиёсий маърифатни, сиёсий онглиникни, ҳамда ижтимоий-сиёсий фаолиятни ҳам қамраб олган шахс ва ижтимоий бирликнинг маданиятидир;

- сиёсий маданият бу - ўзига ижтимоий-сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнлар билан бевосита алоқадор бўлган элементларни қамраб олган жамият маънавий маданиятининг бир қисмидир;

- сиёсий маданият бу – конкрет ижтимоий бирлик сиёсий шахсга тегипли бўлган сиёсий онг ва сиёсий ҳулқ-атвор стереотиплари йифиндицидир;

- сиёсий маданият бу – тарихан қарор тошган сиёсий муносабатлар тизимидан ижтимоий субъектнинг (шахснинг, ижтимоий гурӯҳнинг, жамиятнинг) ўз сиёсий билимларини, қадриятларидан келиб чиқсан ҳолда мўлжалланган циятларини, ҳамда ўзига хос сиёсий ҳулқ-атворини намоён қилини, амалга опиришишидир.

Сиёсий маданиятнинг юқорида келтирилган умумий талқинларидан келиб чиқсан ҳолда унга қўйилаги таърифни берин мумкин:

Сиёсий маданият бу – сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият маданиятидир, шунингдек, сиёсий институтларнинг характеристика фаолият тартибининг ва жамият сиёсий ҳаёти барча жабҳаларининг пивиланизациялангандиги даражасидир.

Сиёсий маданият ўзига хос ички тузилишига (структурага) эга бўлиб, қўйидагилар унинг асосий элементлари ҳисобланади:

1. Сиёсий тажриба;
2. Сиёсий онг;
3. Сиёсий ҳулқ-атвор.

Ўз навбатида мазкур элементларнинг ўзи бир қанча компонентларни қамраб олади:

1. Сиёсий тажриба: а) ҳалқнинг ўзига хос миллий-маънавий қадриятлари; б) менталитети; в) тарихий хотираси ва ашъапалари; г) миллий давлатчиликни амалга ошириш тажрибаси, ўз миллий қадриятларидан келиб чиқувчи сиёсий мўлжаллари.

2. Сиёсий онг: а) мағкуравий, гоявий компонент, б) эмоционал-психологик компонентлардан иборатdir.

3. Сиёсий ҳулқ-атвор: а) сиёсий вазият, жараёндаги хатти-харакат, фаолият йўналиши; б) ижтимоий-сиёсий фаолият услубининг, намуналари, турлари хусусиятлари.

Демак, қисқа кишиб айтадиган бўлсақ, сиёсий маданият ўзичига тарихий тажриба асосида тўплантан сиёсат ҳақидаги билимлар ва сиёсий тафаккур усулини, сиёсий ҳиссият ва анъанаарни, мақсадларни, тафаккурдан чукур жой олган сиёсий фаолият усулиарни қамраб олади.

Сиёсий маданиятнинг мазкур ўзига хос тузилишидан шундай мантикий хуносани келтириб чиқарин мумкин: Авваламбор, шунни алоҳида таъкидлаш лозимки, сиёсий маданиятнинг асослари ҳар бир ҳалқда узоқ тарихий даврни ўзида қамраб олувчи жараёнлар асосида шаклланади. Бунда ҳар бир ҳалқда шаклланган маданият ва маънавий қадриятлар, улардаги ўзига хос миллий фазилатлар ва ўзига хос тафаккур қилиш услуги ҳал қиувчи фундаментал асос бўлиб хизмат қиласи.

Шу билан биргаликда, сиёсий маданиятнинг шаклланиши фақаттина субъектив ҳолатнинг ўзи билангина боғлиқ

бўлмайди. Сиёсий маданиятнинг шакланишида одамларни жамиятдаги сиёсий реаллик билан ҳамкорлик қилиши ва уларнинг сиёсий жараёнларга қўшилиши муҳим ўрин тутади. Маслан, сиёсий жараёнларда бир қатор сиёсий институтлар ишроқ қиласди. Жумладан, жамият сиёсий тизими билан ижтимони ҳаётнинг турли соҳалари ҳамкорлик қиласди. Уларнинг ҳар бирни ўз навбатида сиёсий маданиятини шакллантиришида у ёки бу даражада иштирок қиласди, ҳамда мазкур жараённи йўналишларини белгилаб беради. Бу ўринда давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фан ва таълим тизимининг маълум мақсадига йўналиширилини сиёсий таълим-тарбия, маърифат, маънавий ва мағкурунни шипарини алоҳидаги таъкидлаб ўтиш лозимдир. Буларниш барчани мамлакатда ўзига хос сиёсий маданият моделини ташкилинида ҳал қиласди.

## 2. Сиёсий маданиятнинг даражалари, моделлари ва турлари

Сиёсий маданият ўз моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда турли даражалардан иборат бўлган ҳодисадир. Ҳозирги замон политология фанининг қўпчилик назариётчилари сиёсий маданиятнинг учга даражаси борлиги ҳақидаги фикрни ёқлайдилар. Булар: а) тафаккур қилиш, англанаш даражаси; б) фуқаролик даражаси; в) сиёсий даражаси.

Куйила ушибу даражаларнинг ҳар бири тўғрисида алоҳидаги тўхталиб ўғамиз:

**Тафаккур қилиш, англанаш даражаси.** Мазкур даражада шахс томонидан сиёсат дунёсида ўз ўрнини аниқлаб олиш, у ёки бу йўналишдаги сиёсий мўлжалларни ва сиёсий хулқ-автор нормаларини аниқлаб олиш ҳолати юз беради. Мазкур даражада кейингилари учун асос бўлиб хизмат қиласди.

**Фуқаролик даражаси.** Бу даражада сиёсий маданиятнинг асосий ўзаги ташкеланади. Ушбу даражада одамларнинг сиёсий ҳокимиятта муносабатини белгилаб беради. Инсон сиёсат дунёси билан дуч келиб, муқаррар равишда унга, жамият сиёсий тизимига нисбатан, сиёсий ҳокимият имкониятилари ва ваколатларига нисбатан ўз муносабатларини шакллантиради. Сиёсий ҳокимиятнинг ўрни, ролини ашлаш патижасида, ўзининг фуқаролик бурчлари ва мажбуриятларини ички туйгуси билан ҳис қиласди.

**Сиёсий даражада.** Мазкур даражада инсоннинг сиёсат ҳодисасига муносабатлари шаклланган қадрият даражасига етада бошлади. Инсон ўзини сиёсатнинг субъекти сифатида қабул қила бошлади. Бу даражада инсон ва сиёсат ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг барча жиҳатлари ойдилланади. Инсон ҳаётида сиёсатнинг ўрни аниқ тасаввур қилинган бўлади. Одамларнинг

иёсий қалриятнадап келиб чиқувчи мўлжаллари уларнинг сиёсий хулқ-авторларида бевосита акс этади.

Бу ўринда шуни алоҳидаги таъкидларни лозимки, сиёсий маданият даражаларининг хусусиятлари сиёсий маданиятнинг ўзига юз моделлари ва турларига қараб маълум даражада фарқланиши мумкин.

Бугунги кунга келиб тўшапган илмий-назарий билимлар, эмпирик манбаларга таянган ҳолда сиёсий маданиятнинг «тоталитар-авторитар», «либерал-демократик» ва «шарқона сиёсий маданият» моделларини мисол келтириш мумкин.

Хўп, бу ҳар уччала модель қандай хусусиятларга эта, улар нимаси билан бир-бирларидан фарқ қиласди? Куйида мана шу символ бўйича тўхтамиз:

Сиёсий маданиятнинг тоталитар-авторитар модели – аввалимбор, шуниси билан характерлайдирки, унда шахснинг индивидуал жиҳатлари сунъий равишда бузилади; иккинчидан, жамиятда сиёсий қалриятлар ва сиёсий онг марказлаштирилган тарзда давлат томонидан шакллантирилади ва шунинг асосида давлат манфаатлари инсон, ижтимоий турӯҳлар манфаатларидан устун кўйилади; учинчидан, жамиятни сиёсий ахборот билан таъминлаш иши ҳокимият томонидан белгилаб берилган, факъат бир йўналишда олиб борилади ва давлат томонидан монополиялаштирилади, ҳамда фаол равишда сиёсий цензура амалга оширилади; тўртингидан, сиёсий ҳаёт бир хил қолиша кечади, жамиятнинг сиёсий маданияти ҳеч қандай муқобилсиз юқоридан турив шакллантиради; бешинчидан, аҳоли аксарият қисмишиниң сиёсий маданияти ниҳоятда паст бўлади; олтичинчидан, сиёсий маданиятнинг тоталитар-авторитар моделини ташки дунёга нисбатан сунъий ажратиб кўйилаштирилиши ва «сиёсий маданий макон» сифатида биққиши билан ажralиб туради.

Сиёсий маданиятнинг либерал-демократик модели – фуқаролар сиёсий ҳукуқ ва эркинликларини ҳукуқ асосида юқори даражада рўёбга чиқаришига йўналишириланади билан ажralиб туради.

Мазкур модель учун куйидаги ҳолатлар бевосита характерлайдир: Биринчидан, жамиятнинг сиёсий онги ва қалриятлари аксили марказлаштирилган ҳолда шакллантирилади. Унга кўра давлат манфаатларининг устиворлик даражаси, унинг жамият, шахс, ижтимоий турӯҳлар манфаатлари билан қанчалик ҳамоҳанглигига боелиқdir; иккинчидан, жамият кенг қаровли сиёсий ахборот тизимида фойдаланиш имкониятига эга бўлади; учинчидан, жамиятнинг сиёсий тизими етарили даражада юқори бўлади, унинг тараққиёти учун тегисли шартшароитлар яратиб берилади; тўртингидан, сиёсий маданиятнинг либерал-демократик модели ташки сиёсий-маданият мақомига нисбатан ўзининг «очиқлиги» билан ажralиб туради.

Баъзи ҳолатларда (масалан, ташқи таҳлил, ёки ижтимоий-иқтисодий ишқироз ва бошқа салбий ҳолатлар рўй беради) либерал-демократик сиёсий маданият модели доирасида авторитетар модель элементлари жонланити мумкин. Буни биз масалан, жамият ҳаётига давлат аралашувини кешгайишила, фуқароларниш ҳукуқ ва эркинликларини маълум даражали чекланиши ҳолатида кўришимиз мумкин.

**Шарқона сиёсий маданият модели** – сиёсий маданиятниш шарқона модели, жумладан, ўзбек ҳалқининг ўзига хос сиёсий маданияти асослари кўп асрлик тараққиёт йўлини босиб ўған шиҳоятда бой маданий ва маънавий маконча шакллангандири.

Республикамиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёкараш билан қомусий билимдонликини ўзига мужассам этган буюк арбоблар кўн бўлган.

Ином Бухорий, Ином Термизий, Хўжа Баҳовуддин Нақибанд, Хўжа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захирийнин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз мислий маданиятимизни ривожлантиришга улкан хисса қўщилар, ҳалқимизнинг мислий иғтихори бўлиб қолдистар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўнгап буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум. Бизнинг маданиятимиз бугун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб қолшагити тасодифий эмас»<sup>1</sup>.

Буюк аждодларимиз сиёсий маданият, унинг мезонлари, сиёсий маданият омилига нисбатан кўйиладиган тадаблар, унинг амалиётда қўлланиши ва аҳамияти ҳақида бутун бир илмий-фалсафий ва сиёсий фикрлар мажмумини яратиб берганлар.

Масалан, улуг лениншманц бобоколонимиз Абу Наср Фаробий ўзининг «Фозил одамтар шаҳри» номли асарида мамлакатнинг ҳақиқатдан ҳам «Фозиль» бўлиши учун унинг аҳолисини умумий маданий савияси, жумладан, сиёсий маданияти юксак бўлиши кераклигига алоҳида ишора қилиб шундай фикрларни ёзган эди: «Фозиллар шаҳрининг барча аҳолиси учун умумий бўлган ҳусусиятлар кўйидагилардир: Биринчидан, улар аслий сабабни ва унинг барча сифатларини билиши зарур.. Фозил одамлар яна шаҳар (давлатининг) биринчи раҳбари ёки бу вакт мобайнида йўқ бўлиб қолганида (бир ёққа кетганида, касалтигига ва ҳоказо), унинг ўриниши боса оладиган раҳбарларни билиши зарур. Фозиллар шаҳри, унинг аҳолиси, уларнинг диллари эришалиган баҳт-саодат нима эканлигини билишлари зарур...»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўясинида: ҳафтизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва израиджёт кафолаглари», Т., «Ўзбекистон», 1997, 140-141 бетлар.

<sup>2</sup> Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шаҳри», Т., «Абуллаҳ Қодирий», 1993 й. 166-167-6.

Шунингдек, Фаробий давлат раҳбари бўладиган шахслар учун зарур ва шарт бўлган етук сиёсий маданият даражасини, ўшбу даражанинг ўзига хос мезонларини мазкур асарида таърифлаб берган.

Буюк аллома Юсуф Ҳожибпинг «Кутадгу бишит» асарида ва соҳибқорон бобомиз Амир Темурнинг тузукларида ҳам бутунги кунда биз «Сийсий маданият» деб агаётган тунунчанинг ўзига хос элементлари, унинг сиёсий ҳулқ атворда намоён бўлиш ҳолатлари ҳақида кўплаб фикрлар илгари сурилган. Маълумки, ўшбу ғоядарининг шайдо бўлишида албатта ҳалқимизнинг, аждодларимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, этнопсихологик ҳусусиятлари, тафаккур тарзи, ижтимоий-сиёсий оғиги ҳал қўйувчи ролни ўйнаган.

Хўш, ҳалқимизнинг ўзига хос шарқона дунёқирави натижасида шаклланган сиёсий маданият асослари қандай моҳиятга эга?

Авваламбор, шуну алоҳида таъкидлаш лозимки, буюк маданият ва маънавият соҳиби бўлган ҳалқимизнинг аждодлари сиёсатда шарқона аҳлоқ масаласига етакчи эътибор берганлар.

Сиёсатнинг юксак аҳлоқ асосига қурилиши лозимлиги тўғрисидаги мазкур тоя инсоғ ва давлат ўргасидаги муносабатлар ҳақидаги ўзига хос тасавурлар, қарашлариниң шаклтанишига олиб келганди, биз уларни шарқона сиёсий маданиятнинг ўзига хос мезонлари деб қабул қилишимиз лозим бўлади.

Буни биз қўйицаги жиҳатларда қўришимиз мумкин:

Биринчидан, аждодларимиз сиёсий тафаккурида давлат раҳбари сиёсатидаги адолат ва инсоғ масаласи ҳал қўйувчи, марказий ўринни этшаган. Мамлакатимиз раҳбари И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса ҳалқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Угмишда олий адолат юяси мансабдор шахсларга кўйиладиган талаб ва баҳонинг асоси бўлган. У давлатчилик негизлиарини белтилан, исломий қондадар ва шариат мезонларининг пойдерорини ташкил этган»<sup>1</sup>.

Иккинчидан, сиёсий тўс-тўполнонларга нисбатан тоқатсизлик, сиёсий мувозанатни сақлаш, сиёсий тинчлик ва барқарорликка, осойингтакка кучли мойиллик. Сиёсий жараёнларга вазминлик, чуқур фикр мулоҳаза билан ёндашиш, унда кўнгилтак манбаатларини кўпроқ хурматлаш;

Учинчидан, ўзининг олийжизноб мақсадларида, кундадик ҳастидиа сиёсий раҳбарга сужини, ундан доимо адолат кутиб яшаш ва унга нисбатан чуқур хурмат ва эҳтиром кўрсатиш, сиёсий ҳулқ-атворда кучли андишлиликни намоён қилиш;

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ис-тиқбодининг асосий измоҳларлари», Т., «Ўзбекистон», 1995 й. 13-6.

Туртнчидан, сиёсий эркілдікни ахлоқ месъерлари доира-  
сида қабул қилиш;

Бешинчидан, багри кенгілек (толерантлик), халқаро тұтув-  
лик ва иппочта күчли мояндилек.

Юқорида көлтирилған мезонлардан күриниб турибиди, шарқона сиёсий маданият асосдары инсоният заковати яратып  
әнг олийжаноб жиҳаттарни үзіга қамраб олади. Шуның учун  
хам у бошқа сиёсий маданият тұрларининг әнг яхши ижобий  
жиҳаттарини үзіга қабул қилиши мүмкін.

Сиёсий маданияттың моделлари билан бир қаторда уннан  
турлары ҳам мавжуддир. Қайдауда уларнинг әнг асосийлари  
тұғрисида маңылумот беріб үтгеміз:

1. Сиёсий маданияттың «әшік» тури - үзілінш сиёсий  
жиҳатдан биқиқтігі билан қарастыранади. Сиёсий маданияттың  
бошқа тұрларига нисбатан муросасыз бұлалы, уларни мұтлако  
қабул қыла олмайды. Фақат үзіннің тор мілдій қобиғіда қолалы.

2. Сиёсий маданияттың «очиқ» тури - сиёсий маданият-  
тың бошқа тұрларини ижобий қабул қыла олади.

Бой ағынаналары бұлшаны ҳолда сиёсий воқеилистардаги үзілігін  
япты реалистарни қабул қылаади. Доимий равища үз-үзини бойи-  
ти бориши хүсусияттың әзілір, шұщлан көліб чиққан ҳолда ижги-  
моій ва сиёсий жиҳатдан қарастырылған болып тұради.

3. Сиёсий маданияттың патриархал тури - үнчалик ривож-  
ланмаган бой маңнавий маданияты, қадрияттарға эта бұлмаган  
халқтарға хос бўлиб, ушбу тур вакильлариниң сиёсий фаоллиқ  
ҳолати деярли бўлмайди, улар сиёсий қадрияттар, сиёсий пор-  
малар ва институтларга қизиқин билдирилмайди.

4. Фаол сиёсий маданият тури - уннан хүсусияти шундаки,  
Фуқаролар жамият сиёсий ҳәеттің фаол равищада шахсий ара-  
лашувта интиладилар. Шу орқали жамият сиёсий тизимида  
шахсан маңлум бир статусга эта бўлишликни мўлжаллайдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, реал ҳәётла сиёсий  
маданияттың соғ ҳолдаги фақат биргина түрлінің намоён  
бўлиши жуда кам учрайди. Кўпинча улар у ёки бу равищда ара-  
лашып тарзда намоён бўлалы. Масалан, ҳозирги вақтда сиёсий  
адабиётларда кент қўлтанилаётган «Фуқаролик маданияти» ту-  
шунчаси ана шунга мос келади. Фуқаролик маданияти эффектив-  
тив равищада сиёсий маданияттың бошқа тұрларидаги ижобий  
элементтарни үзлаштыриб олади ва сиёсий тартиботнинг кон-  
структив равищада фаолият кўрсатишига ёрдам беради.

### 3. Ўзбекистонда Милдій сиёсий маданиятты тиклади зарурати на амалиёти

Маълумки, буғундық кунда мамлакатимиз хуқуқий  
демократик давлатни, ширвандағы фуқаролик Жамияттери

шакллантиришдек буюқ мақсадлар сары яшамоқда. Бу борада  
истикәлолимизга ершіктандаң кейин үттан йиллар ичіда улқан  
шылдар амалға оширилди. Милдій давлатчиликни  
шакллантириш, яши иқтисодий муносабатлар, ҳамда хуқуқий  
тизимиң шаклланып, мустақіл тараққиётимизнинг ҳал  
қилювчи асосыга айланди. 9 йил ичіда босиб үттан ғұлымиз  
айни бир пайтда мамлакатимиз тараққиёті олдига күйилсан  
мақсадларға ершиш үчүн бутунғы кунда ҳал қилиниши зарур  
бўлған вазифаларни ҳам намоён қилмоқда.

Маълумки, мустақіл юртимизде амалға оширилестін барча  
ислохотлар охир-оқибатда инсон маңафаатларынан мұқаммал  
равищда рўёбта чиқариш, ҳалқимизға фарование түрмуш тарзини  
яратып бериндең әзізу мақсадларға йұнаптірмоқда. Ушбу  
вазифаларни қысқа муддатларда мұваффақияттегі ҳал қилиниши  
бутушы кунда нафакат давлатимиз, балки үзимиз яштегінан  
жамиятимиз ҳар бир аъзосиңинг бу борадаги событқадам на  
онгли фаолияти билан ҳам боғлиқдир. Мамлакатимиз  
Президенти томонидан илгари суришаш күчли давлатдан күтли  
жамият сары тоясининг асосида айнаң мана шу ҳақчил моҳият  
ётади. Күчни Жамиятни шакллантириш, аввалимбор, инсоннан  
жамиятдаги ўрнини аңглаб етиши билан боғлиқ бўлган  
ҳодисадир. Бу ўринда жамият аъзоларишиң сиёсий  
маданиятини юксаклик даражаси, уларнинг сиёсий фаоллиги  
юқорилити каби омилилар ҳал қилювчи аҳамиятта әгадир. Демак,  
сиёсий маданият омили мамлакатимиз тараққиётининг бу туши  
кундаги долзарб вазифаларини рўёбта чиқариппен әнг асосий  
воситасига айланди, десак хато қилмаймиз. Шуның учун ҳам  
сиёсий маданият масаласининг назарий ва амалий жиҳаттарига  
бутушы кунда мамлакатимизда катта аҳамият берилмоқда. Бу  
ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Республикаимиз  
Президенти И.А. Каримовнинг асарларыда, нүкъ ва  
мақолаларыда мазкур масаланиң концептуал асослари  
бевосита бизнинг жамиятимизга тадбиқан ечиб берилган.

Жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан, Республика  
Олий Мажлисінинг XIV-сессиясыда қилинған «Ўзбекистон  
XXI асрға интилмоқда» номлы маърузада мамлакатимиз  
аҳолисиниң сиёсий маданияты ва сиёсий фаолияти билан  
боғлиқ бўлган мавзуга алоҳида катта зытибор қаратилди, ҳамда  
бу борадаги муаммолар ва вазифалар кўрсатиб берилди:  
«Аҳодимизнинг сиёсий фаоллиги ҳали замон талаблари  
даражасида эмаслигиги, ҳамон сусет эканини қайта-қайта  
айтишга тұғыр келмоқда. Тан олишимиз керак: эски  
андозалардан тұлық кутила олмаяпмиз. Барча мұхим қарорлар  
юқоридан қабул қилишиб, бизларни бор-йүгі итоатпүй  
ижрочиларға, балзан үйланмай қабул қилинған қарорлар

курбонита айлантиргаш маъмурий буйруқбозлик, мустабид тузум иллатларидан жудо бўлишимиз қийин қечяпти.

Сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимиёт қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билдишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур. Бонг‘ча айтганда, жамият марказда ва жойларда сайланган ҳокимиёт ўз тақдирини қай тарзда ҳал этастгани, уларнинг истиқболини қай тарзда белгиләёттанидан хабардор бўлиб туриши керак<sup>1</sup>.

Юрбошибимизнинг мазкур фикрлари мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чукурлантириш фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш вазифаларини ҳал қилиши бевосита йўналтирилганdir. Жамиятимиз аъзоларининг сиёсий маданиятини юксалтириш, уларни сиёсий ва ижтимоий фаолигини кўтариш, бутунги кунда демократик тараққиётимизнинг бош мезонига айланди. Бу ўринда гап демократия, фуқаролик жамияти тоғларини мамлакатимиз барча аҳолиси тафаккурида том маънода антланган заруриятта айлантириш вазифалари устида кетмоқда. Бунда сиёсий маданият омили ҳал қилувчи восита бўлиб хизмат қиласи. Чунки сиёсий маданият, юқорида таъкидлантирилек, аввалом бор бу сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият маданиятидир. Сиёсий маданият мамлакат сиёсий институтлари билан унинг аҳолиси ўргасидаги муносабатларининг қанчалик маърифийлитини белгиловчи омилидир.

Жадон тажрибаси ҳам, ўзимизнинг ўтган йиллар тажрибамиз ҳам шундан далолат берадики, жамиятда амалга оширилаётган ҳар қандай ислоҳотларнинг, жумладан, сиёсий ислоҳотларнинг ҳам кўзланган ютуқтарига эрппуви, мазкур ислоҳотларнинг жамият аъзолари томонидан фаол равишда қўллаб-кувватланиши орқали юз беради. Бонг‘ча қилиб айтадиган бўлсақ, давлат билан жамият ўргасида бўладиган ўзига хос ижтимоий ҳамкорлик тараққиётганинг гарови бўлиб хизмат қиласи. Бугунги кунга қелиб мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар ижобий натижаси пировардила кўп жиҳатдан давлат ва жамият ўргасидаги муносабатларни тамомила янти поғонага кўтарилини билан боелиқ бўлиб қолди. Ушбу вазифани амалга оширилишининг асосида эса, фуқароларимизнинг сиёсий фаолигини ошириш ётади, сиёсий маданият даражасини юксалиб борип эса, ана шундай фаолиятнинг Конституциямиз, ҳамда бошқа қонун нормаларини хурмат қилиш жамият барқарорлиги учун маъсулиятни, доимо ҳис қилиб туриши каби жиҳатлар билан тўлдиради.

Маълумки, Республикаимиз Президентининг Олий Мажлис 2-чақириқ 1-сессиясида қитлап «Озод ва обод Ватан, эркин ва фарони ҳаёт – пировард мақсадимиз» номли маърузасида мамлакатимиз ҳаёти, келажаги учун улкан тарихий аҳамиятта эга бўлган стратегик режсанар белгилаб берилиди. Жумладан, мазкур маърузала сиёсий маданият ва уни юксалтириш билан боелиқ бўлган асосий бош вазифалар ҳам белгилаб бериши ва сиёсий маданият омилини ҳар томонлама ривожлантиришдан кўзлашсан янги стратегик мақсадлар илмий жиҳатдан япада аниқроқ асосланди.

Бу ўринда Президентимиз томонидан илгари сурилган жамиятимиз аъзолари тафаккурила, сиёсий хулқ-авторида демократик қадриятларни чукур иллиз отиб боришига ёрдам берувчи, халқимиз сиёсий маданиятини юксалишига улкан асос бўлиб хизмат қилувчи эркин фуқаролик жамияти маънавиятини шакллантириш тоғси ҳал қилувчи муҳим аҳамиятта эгадир. Мазкур тоғда жамиятимиз аъзоларининг бутунги кундати сиёсий маданият даражасига қўйиладиган талаб мезонлари ўз аксини тошган десак хато қилмаймиз.

Президентимиз таъкидлаганидек: «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамларимиз онгиди демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш керак.

Ўз ҳақ-ҳуқуқини тапиёдиган, ўз кути ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй берадиган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий мафтаатларини мамлакат ва халқ мафтаатлари билан уйгун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратиш даркор»<sup>1</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бизнинг мамлакатимизда истиқдолимиз шарофати билан инсонни жамият сиёсий ва маънавий ҳаётини бевосита фаол иштирокчисига айлантириш, ҳамда унинг сиёсий маданият даражасини юксалтириш учун барча зарур сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва мафкуравий шарт-шароитлар яратилиди. Президентимиз томонидан Олий Мажлисининг 1-чақириқ XIV-сессиясида, ҳамда, 2-чақириқ 1-сессиясида илгари сурилган жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётини эркинлаштириш тоғси жамиятимизда сиёсий маданиятини юксалиши учун ниҳоятда улкан янги имкониятларни очиб берди. Эндиликда сиёсий маданиятга демократик ислоҳотларни чукурлаштириш борасидаги янги вазифалар юкламилаётгандиги тўрисида Президентимиз И.А. Каримов Республикаимиз Олий Мажлисининг 2-чақириқ 1-сессиясида сўзлаган нутқида

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фарони ҳаёт – пировард мақсадимиз». Т., «Ўзбекистон», 2000 йил, 9-б.

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга шинникоҳи». Т., «Ўзбекистон», 1999 й. 20-21 б.

курбонита айлантиргаш маъмурий буйруқбозлик, мустабид тузум иллатларидан жудо бўлишимиз қийин қечяпти.

Сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимиёт қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билдишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур. Бонг‘ча айтганда, жамият марказда ва жойларда сайланган ҳокимиёт ўз тақдирини қай тарзда ҳал этастгани, уларнинг истиқболини қай тарзда белгиләёттанидан хабардор бўлиб туриши керак<sup>1</sup>.

Юрбошибимизнинг мазкур фикрлари мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чукурлантириш фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш вазифаларини ҳал қилиши бевосита йўналтирилганdir. Жамиятимиз аъзоларининг сиёсий маданиятини юксалтириш, уларни сиёсий ва ижтимоий фаолигини кўтариш, бутунги кунда демократик тараққиётимизнинг бош мезонига айланди. Бу ўринда гап демократия, фуқаролик жамияти тоғларини мамлакатимиз барча аҳолиси тафаккурида том маънода антланган заруриятта айлантириш вазифалари устида кетмоқда. Бунда сиёсий маданият омили ҳал қилувчи восита бўлиб хизмат қиласи. Чунки сиёсий маданият, юқорида таъкидлантирилек, аввалом бор бу сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият маданиятидир. Сиёсий маданият мамлакат сиёсий институтлари билан унинг аҳолиси ўргасидаги муносабатларининг қанчалик маърифийлитини белгиловчи омилидир.

Жадон тажрибаси ҳам, ўзимизнинг ўтган йиллар тажрибамиз ҳам шундан далолат берадики, жамиятда амалга оширилаётган ҳар қандай ислоҳотларнинг, жумладан, сиёсий ислоҳотларнинг ҳам кўзланган ютуқтарига эрппуви, мазкур ислоҳотларнинг жамият аъзолари томонидан фаол равишда қўллаб-кувватланиши орқали юз беради. Бонг‘ча қилиб айтадиган бўлсақ, давлат билан жамият ўргасида бўладиган ўзига хос ижтимоий ҳамкорлик тараққиётганинг гарови бўлиб хизмат қиласи. Бугунги кунга қелиб мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар ижобий натижаси пировардила кўп жиҳатдан давлат ва жамият ўргасидаги муносабатларни тамомила янти поғонага кўтарилини билан боелиқ бўлиб қолди. Ушбу вазифани амалга оширилишининг асосида эса, фуқароларимизнинг сиёсий фаолигини ошириш ётади, сиёсий маданият даражасини юксалиб борип эса, ана шундай фаолиятнинг Конституциямиз, ҳамда бошқа қонун нормаларини хурмат қилиш жамият барқарорлиги учун маъсулиятни, доимо ҳис қилиб туриши каби жиҳатлар билан тўлдиради.

Маълумки, Республикаимиз Президентининг Олий Мажлис 2-чақириқ 1-сессиясида қитлап «Озод ва обод Ватан, эркин ва фарони ҳаёт – пировард мақсадимиз» номли маърузасида мамлакатимиз ҳаёти, келажаги учун улкан тарихий аҳамиятта эга бўлган стратегик режсанар белгилаб берилиди. Жумладан, мазкур маърузала сиёсий маданият ва уни юксалтириш билан боелиқ бўлган асосий бош вазифалар ҳам белгилаб бериши ва сиёсий маданият омилини ҳар томонлама ривожлантиришдан кўзлашсан янги стратегик мақсадлар илмий жиҳатдан япада аниқроқ асосланди.

Бу ўринда Президентимиз томонидан илпари сурилган жамиятимиз аъзолари тафаккурила, сиёсий хулқ-авторида демократик қадриятларни чукур иллиз отиб боришига ёрдам берувчи, халқимиз сиёсий маданиятини юксалишига улкан асос бўлиб хизмат қилувчи эркин фуқаролик жамияти маънавиятини шакллантириш тоғси ҳал қилувчи муҳим аҳамиятта эгадир. Мазкур тоғда жамиятимиз аъзоларининг бутунги кундати сиёсий маданият даражасига қўйиладиган талаб мезонлари ўз аксини тошган десак ҳато қилмаймиз.

Президентимиз таъкидлаганидек: «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамларимиз онгиди демократик қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш керак.

Ўз ҳақ-ҳуқуқини тапиёдиган, ўз кути ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй берадиган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий мафтаатларини мамлакат ва халқ мафтаатлари билан уйгун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратиш даркор»<sup>1</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бизнинг мамлакатимизда истиқдолимиз шарофати билан инсонни жамият сиёсий ва маънавий ҳаётини бевосита фаол иштирокчисига айлантириш, ҳамда унинг сиёсий маданият даражасини юксалтириш учун барча зарур сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва мафкуравий шарт-шароитлар яратилиди. Президентимиз томонидан Олий Мажлисининг 1-чақириқ XIV-сессиясида, ҳамда, 2-чақириқ 1-сессиясида илпари сурилган жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётини эркинлаштириш тоғси жамиятимизда сиёсий маданиятини юксалиши учун ниҳоятда улкан янги имкониятларни очиб берди. Эндиликда сиёсий маданиятга демократик ислоҳотларни чукурлаштириш борасидаги янги вазифалар юкламилаётгандиги тўрисида Президентимиз И.А. Каримов Республикаимиз Олий Мажлисининг 2-чақириқ 1-сессиясида сўзлаган нутқида

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фарони ҳаёт – пировард мақсадимиз». Т., «Ўзбекистон», 2000 йил, 9-б.

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга шинникоҳи». Т., «Ўзбекистон», 1999 й. 20-21 б.

күйидаги фикрларни таъкидлаган эди: «Одамларниң сиёсий онти, сиёсий маданияти, сиёсий фаолиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларини подавлат тузилмалар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарип органларига босқичи-босқич ўтказиб бориш зарур»<sup>1</sup>.

Маълумки, жамият сиёсий маданиятининг шаклланиши кун омилларга боғлиқ. Бунда юқорида таъкидлаб ўтганимизде миллый қадриятларнинг ўрни ниҳоятда катта булади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бой маънавий маданият, нисбет миллый қадриятлар, бебаҳо фалсафий таълимотлардан биҳра олиб, шаклланган ўзбек халқида, сиёсий маданиятнинг юксак чўққиларига эришиц учун улкан салоҳият мавжудлар. Жамиятимиз сиёсий маданиятининг шаклланишида, мамлакатимизнинг миллый мафкураси бутуни кунда етакчи ўрин эгалланмоқда.

Маълумки, истиқодимиз шарофати билан шаклланаётган мамлакатимизнинг миллый мафкураси ҳар бир инсонга эркин фикрлари, ўз баҳт-саодати, фаровон келажаги учун эркин ижтимоий фаолият қилиш имкониятларини очиб бермоқда. Президентимизнинг бевосита саъй-харакатлари билан ўзинин назарий асосини топган Ўзбекистон жамиятининг мафкураси халқимизнинг манбаатларини тўлиқ равища ўзила мужассамлаштирган ҳастий маиба бўлиб, майдонта чиқмоқда.

«Миллый мафкура, аввалом бор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кун асрлар давомида шаклланган эзту орзуларини, жамиятимиз олдига бутун кўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олини шарт» – деб таъкидлаган эдилар И.А. Каримов<sup>2</sup>.

Жамиятимизнинг миллый мафкураси ўзининг мана шу хисплатлари билан одамларимиз сиёсий маданиятини шаклланиши ва ривожланишида асосий мафкурайи озиқ бўлиб хизмат қиласди. Чунки сиёсий маданият айни пайтда аниқ маслак асосида, инсон ўзи таяниб яшайдиган қадриятлар асосида шаклланади.

### Таянич тушунчалари

Маданият, сиёсий маданият, миллый-сиёсий маданият, сиёсий маданиятнинг даражалари, модслари, турлари. Сиёсий маданиятнинг либерал-демократик модели. Шарқона сиёсий маданият модели.

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Озод из обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаст – нировард мақсадимиз». Т., «Ўзбекистон», 2000 йил. 8-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. «Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилинта хизмат этени». – Т., «Ўзбекистон» журнали, 1998 йил, 14-бет.

### Мустақил иш учун тошириқлар

1. Сиёсий маданият, сиёсат ва сиёсий барқарорлик тупунчалари ўргасидаги ички боелиқликни аниқланти?

2. Жамият сиёсий ҳәётини, давлат ва жамият куритишини эркинлаштириши жараёниди сиёсий маданиятнинг ўрни ва аҳамияти қай тарзда намоён бўлишини қўйсий сиёсий таҳтил этинг.

### АДАВИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. «Ўзбекистон». 1992.
2. И. А. Каримов. «Ўзбекистонни ўз истиқдол ва таракқиёт йўли». Т. «Ўзбекистон». 1992.
3. И. А. Каримов. «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқбодининг асосий таомиллари». Т. «Ўзбекистон». 1995.
4. И. А. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсатасида, ҳавфисликка таҳлид, барқарорлик шарттарни ва таракқиёт киғолотлари». Т. «Ўзбекистон». 1997.
5. И. А. Каримов. «Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилинта хизмат этени». Т. «Ўзбекистон». 1998.
6. И. А. Каримов. «Ўзбекистон XXI асрда иштимоқда». Т. «Ўзбекистон». 1999.
7. И. А. Каримов. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаст – нировард мақсадимиз». Т. «Ўзбекистон». 2000.
8. И. А. Каримов. Миллый истиқдол мафкураси – халқ зътиқоди ва буюк келажакка инсончига. Т., «Ўзбекистон», 2000.
9. Абу Наэр Фаробий. «Фонд олимлар шахри». Т. «Абдулла Кодирий». 1993.
10. Гаджиев. К. С. «Политическая изука». М. 1994.
11. Отамуротов С., Эрганиев И., Акрамов Ш., Кодиров А. «Политология». Т. «Ўзбекистон». 1999.

## 15-мавзу. Сиёсий мафкуралар

Режа:

1. Сиёсий мафкура: түшүнчеси ва функциялари.
2. Сиёсий мафкураларнинг асосий күринишлари.

### 1. Сиёсий мафкура: түшүнчеси ва функциялари

Сиёсий мафкура ҳақидаги масала – сиёсий фаннинг эң мұхим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланады. Бу масалалардан кишилар ўргасыда әхтисиеттік, қызығын, қарама-қаршилықтың – мұлохазалар, баҳслар ва мунозараларга сабаб бўлиб келган ва бугунги кунда шундайтигича қолмоқда. Биз мазкур мавзуда ана шу масаланинг мазмун – моҳияти ва асосий күринишлари хақица тұхталиб ўтамиз.

1. Хүш, сиёсий мафкура нима? У қандай вазифаларни бажаради?

Сиёсий мафкура – сиёсий фаннинг эң мураккаб масалалардан бири ҳисобланады. Бу ҳақда адабиётларда хилма-хил қараашлар мавжуд. «Мафкура» атамаси юпонча идея ва логос сўзларининг биримасидан ташкил топтан бўлиб, тоялар ҳақидаги таълимот детан маънони англатади. Бу атама, илк бор 1797 йилдаги француз инқизоби даврида Лестут де Тресси томонидан илмий муюмалага киритилган. Мана шундан бошлаб бу мураккаб руҳий ҳодиса ҳақида хилма-хил қараашлар қарор топа бошлади. Хусусан, иқтисодий детерминизм таълимоги мафкуравий оқымлар ижтимоий гурухтарнинг мөддий шартшароитлари билан боғлиқ эканлигидан келиб чиқади. У бу оқымлар умуман жамоа манбаатларини ҳимоя қылувчи назарий тасаввурлар сифатида тасвиғлайди. Ижтимоий гурухларни жамиятда туттан ўрнига кўра (агар синф ижтимоий тараққистининг етакчи тенденцияларига мос келдиган манбаатларга эга бўлса) иқтисодий детерминизм мафкуранинг биртномонламалигини ёътиборга олган ҳолда унинг назарий билим вазифасини бажарип мумкиндигини ишлари суради.

Бугунги кунда ҳам гарб политологиясида мафкуравий оқымларнинг манбаатлари ва мақоми ҳақидаги мунозаралар тұхтагани йўқ. Неоанархизм тарафдорлари учун мафкура – оммавий онглип махсуси бўлиб кўрилади. Либерал – позитивистик аңыналарга кўра, мафкура – ижтимоий ва сиёсий шартшарларга боғлиқ бўлмаган, тарихдан юқори түрүвчи ҳодиса сифатида таърифланади. Неомакиавиллизм (Р. Москва, Р. Михельс, В. Парето) онгнинг эстетик ёки диний шаклларни ҳам сиёсий мафкуранинг ўзига хос намоён бўлиш шакллари

сифатида талқин этади. Гарбда мафкурани сиёсатда бирон-бир мұхим мавқе ва ахамиятта эга бўлмаган «ҳокимиятнинг хизматкори» сифатида тасвиғловчи қараашлар ҳам көнг тарқалғанди.

Шу билан бирга гарб политологиясида мафкурага писбатап бир қатор барқарор бўлган муносабатлар ҳам қарор тоши. Жумлацан, мафкура билан фанни бир-биридан муросасиз айриб қўйип, мафкуранинг билиш вазифаларига шубҳа билан қарааш, уларни инкор қилишдан иборатдир. XX аср бошларидаёт М. Вебер мафкурани ва бошқа тоявий, диний тузилмаларни кўр-кўрона ипонини соҳасига кириптан эди. Бу билан у мафкуранинг илмийлиги масаласини қўйишни ҳам инкор этади. Шу соҳанинг таниқли мутахассиси К. Мангейм, М. Вебердан кейин ҳар қандай мафкурани воеликнинг неадекват (нотўри), бир томонлама акс этиши сифатида, воесаларнинг ҳақиқий ахволини онгли равишда яширадиган тоялар йигинидиси сифатида одиб қарайди. Мафкуранинг ижтимоий-тариҳий манбалаарни четта суринб қўйиб, уни жамоани бирлаштирувчи курол сифатида (О. Лемберг, Т. Парсонс) ҳаддан ташқари функционал талқин қилишлар ҳам көнг тарқалғанди.

Мафкурани айрим гурухлар ва индивидларниң психологиясидан (Р. Пайпе, Д. Браун) иборат қилиб кўрсатилиш ҳоллари ҳам кам эмас. Шу билан бирга илмий адабиётларда мафкуранинг, миллатнинг дунёдаги ўрнини, манбаатларини, орзу-ишилишларини ифодалайдиган тоя, ўтмиш ва келажакни бөлгайдиган кўпrik (И.А. Каримов) сифатида таърифлашлар ҳам мавжуддир<sup>1</sup>.

Юқорида қайд этилган хилма-хил ёндашувлардан келиб чиқиб сиёсий мафкурага қуйидагича таъриф берин мумкин.

Сиёсий мафкура – у ёки бу ижтимоий гурухнинг манбаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қылувчи ҳамда кўпроқ микдордаги кипиларнинг индивидуал ўй-фикрлари ва ҳатти-харакатларини ҳокимиятдан фойдаланишишинг муайян мақсадлари ва вазифаларига бўйсундирини талаб қылувчи системаланган тоялар, қараашларнинг йигинидисидир. Қисқача қилиб айтганда, сиёсий мафкура – бу муайян ижтимоий гурухнинг ҳокимиятга интилишини ёки ундан фойдаланишини асословчи ва сиёсий ҳаракатининг у ёки бу стратегиясини кўзда тутувчи тоявий тизимдир.

Сиёсий мафкура ижтимоий ҳаётда муайян функцияларни бажаради. Улардан қуйидагиларни ажратиш мумкин:

<sup>1</sup> Қараш. Каримов И. А. Жамияттимиз мафкураси ҳалқни-ҳалқ, миллатни-миллат қилинган хизмат этенин. «Мулоқот», 1998, 5-сон, 5-бет.

**1) мұлжаллаш.** Бу функция шунда ифодаланадықи, мағкура жамият, ижтимоий равнақ, шахс, ҳокимият ҳақидағи фундаментал тасаввурларни үзітә қамраб олиб, у инсон фаолиятыннан мәньно-мазмұнны тизимини ва мұлжалини күрсатып беради;

**2) сафарбар этиши.** Фозил жамият идеалини тактиф қила туриб сиёсий мағкура сиёсий фаолиятнинг бевосита мотиви сиғатида чиқали ва уни амалта ошириш учуп жамиятни, ижтимоий гурухдарни сафарбар қиласы;

**3) бирлаптириши.** Тактиф этилаёттан дүнөнинг фундаментал картасын чегарасыла сиёсий ҳаракатта мәньно-мазмұн бера туриб, сиёсий мағкура үнга шундай ахамият берады, у үзинші миқеши билан ҳар қандай индивидуал ёки гурухий манбаатдан устун туралы. Сиёсий мағкура хусусий манбааттарға қарши туралы ва шу билан бирлаштируучи оміл бўлиб юзага чиқади.

**4) амортизациялап.** Сиёсий мағкура жамият, гурухтар, индивид әхтиёжлари ва үларни қондиришнинг реал имкониятлары үртасыда номуноғиқлик вужудга келгап вазиятдати ижтимоий кескінликкі үюншатыла хизмат қиласы.

**5) муайян ижтимоий гурух манбаатларини ифода этиши ва ҳимоялап.** Буниш мәньноси шуки, сиёсий мағкура у ёки бу ижтимоий гурух манбаатлары асосида вужудга келади ва үларни бошқа гурухлар манбаатларига қарама-қарши қўйиншта чакирилган.

Мағкура үзининг функцияларига кўра фандан фарқ қиласы. Агар фашинг функцияси – ҳақиқатты излаш бўлса, мағкураның функцияси – ахолининг оммавий сиёсий онтитини егаллани, үнга жамиятнинг бутунги ва келдүсидеги тараққиетини баҳолаш, үзининг мезонларини жорий қилиш, сиёсий маконда кишилар мұлжал қиласынан мақсад да вазифаларни белгилашдир. Гурухий характерга эга бўлатуриб мағкура амалга ошироқчи бўлган йўлнинг оқилона ва холисона образини яратишга, унинг у ёки бу синф, миллат, давлат манбаатига мос келишига интилади. Бу борада мағкура у ёки бу идеаллар ва қадриятларни тарғибот қилиш билан чегаралашып қолмай, балки фуқаролар, партиялар ва бошқа сиёсий тузилмаларнинг мақсадга мувофиқ фаолиятини рағбатлантириши билан ҳам шутудланади.

Мағкура үзинші сиёсий функцияларини бажарипши билан жамиятни ё қаңдаидир ижтимоий, милити гурух манбаатлары асосида, ёки ахолининг муайян ижтимоий-иқтисодий гурухларига таянмайдын онтли равишила ишлаб чиқылған мақсадлары негизида жипслаштириши, бирлаштиришта интилади. Ахолини реал бирлаштириш қобиляти мағкураның яғаси ва қоидалари кишиларшынг яхши турмуш тарзи дақидалы кун-

далиқ қарашлари ва тасаввурларига қаңчалик мос келиштә болғылғыдир.

Хар қандай мағкура оқилона, назарий асосланған қоидалардан тапқары ахолига фақат ишониш учун тактиф қилинадын мақсад да идеалларни ҳам қамраб олади.

Сиёсий мағкураның амал қилиш даражалари бир хил эмас. У назарий-концептуал, дастурий-директивалик ва хулқатворлик даражаларида амал қиласы. **Назарий-концептуал** даражада у ёки бу синф, ижтимоий қатлам, миллат, давлатнинг манбаатлари ва идеалларини очиб берувчи асосий қоидалар қарор топтириллади; **дастурий-директивалик** даражада ижтимоий – фалсафий принциплар ва идеаллар сиёсий элитаниш аниқ дастурлари, шиорлари ва талабларига айлантирилди ва бошқарув қарорларини қабул қилиш, омманиң сиёсий хулқатвориши рағбатлантириш учун тоявиш асос бўлиб хизмат қиласы. Мағкура амал қилишининг ушбу даражаси «сиёсатнинг яратувчи элементи» деб ҳам талқин этилади.

**Хулқатворлик** даражада мазкур мағкура мақсадлари ва принциплари фуқаролар томонидан ўзлаптириллади, ҳамда уларнинг жамият сиёсий ҳастида иштирок этишининг у ёки бу шаклларida үз ифодасини топади. Бу даражада мағкура кишиларнинг ҳатти-ҳаракатига айлануб үларни жипслаштириди, бирлантиради, муайян йўлга йўналтиради, сафарбар этади.

## 2. Сиёсий мағкураларнинг асосий кўрининчлари

Сиёсий мағкура замон ва макондан тапқарила бўлган мавхум руҳий ҳодиса эмас. У муайян тарихий шароит билан бўлиқ – аниқ ижтимоий мазмұнга эга бўлган мәннавий ҳодисадир.

Хар бир тарихий давр үзига хос ва үзига мос мағкуравий оқимларни илтари суради. Бундан ҳозирги замон ҳам мустасно эмас. У ҳам кўплаб мағкуравий оқимларни илтари сурди. Биз кўйида ҳозирги замоннинг энг йирик мағкуравий оқимларини: либерализм, консерватизм, социал-демократияни ва бошқаларни кўриб чиқамиз.

Ҳозирги замонини энг йирик ва кўп тарқалган мағкуравий оқимларидан бири – **либерализмдир**. Бу атама лотинча «либераль» сўзидаш олинган бўлиб «эркин» деган мәннөни анатлатади.

Либерализм XVII-XVIII асрларда маърифатпарварлик даври тоялари негизида тарих саҳнасига чиқиб келаётган буржуазия синфининг мағкураси сиғатидә шакланади. Бу мағкураның асосий қоидалари Ж. Локк, Т. Гоббс, Ш. Монтескье, А. Смит,

Т. Жефферсон, Д. Милль ва бошқаларнинг асарларида асосланади берилади.

Либерализмнинг пойдеворини шахс эркинлиги, унинг барча жамият институтларига нисбатан энг олий қадрият эканлиги, шахснинг ҳам ўз олдила, ҳам жамият олидида масъуллиги барча кишиларнинг ўзиши ўзи рўбга чиқариш ҳукуқили тан олинили каби принциплар ташкил этади. Бу мафкура парламент ту зумининг, муҳим сиёсий муаммоларни ҳал этишда муроносавадора, келишувнинг тарафдоридир. У давлатнинг ўсиб кетпани иқтисодий ва социал функцияларига салбий муносабатдадир.

Либерализм ҳокимиятнинг тақсимланиши, сиёсий плорализм, элиталар рақобати, қонунинг устуворлитетини эътироф этади. У фуқаролар ҳукуқлари ва эркинликларини таъминланиши ўзининг асосий мақсади, деб билади. Мазкур мафкуранинг барча кўрининиларида инсон шахснинг индивидуал эркинлiği, қадр-киммати, бониқа кишиларнинг қарашлари ва эътиқодларига сабр-чиҳамли бўлишлик таалблари доимо ҳимоя қилиниб келинади. Шахс эркинлигини ҳурмат қилиш билан боғлаб либерализм ўзининг ғоявий кўрсатмаларида индивидуализм ва инсонпарварлик принциплариши уйғуп равишда мужассамлантиради.

Эркинлик принципи либерализм тарафдорлари томонидан давлат чеклапларидан эркин бўлишлик сифатида талқин этилади. Бу ғояни англиялик мутафаккирлар Ж. Локк ва Д. Милль яхши ифода этадилар. Жумладан, Д. Милль эса бу ғояни куйидагича изоҳтайди: «Инсон ўзига нима кераклигини ҳар қандай ҳукуматдан кўра ўзи яхши билади».

Либерализм тарафдорлари учун эркинлик учун кураш инсоннинг иқтисодий, жисмоний ва интеллектуал эркинлитети йўлидаги барча тўсиқтарни, чеклашларни тутатиш учун курашни англатади. Улар ҳокимиятни мерос қилиб қоллиришининг барча шаклларига ва табақавий имтиёзларга қарши чиқадилар. Бу кўрсатмалар негизида «давлат-тунгти қоровул» деган ғоя қарор топади. Ушбу ғоянинг маъниоси пукни, давлат факат ижтимоий тартибни қўриқланни ва мамлакатни ташқаридан бўладиган таҳдиддан ҳимоя қилишини таъминлайдиган, камроқ бўлган, энг керакли вазифалар билан таъминланиши керак. Шунинг учун айнан либерализмда фуқаролик жамиятининг давлат устидан устиворлиги ғояси қарор топди ва амалга оширилмоқда. Англиялик мутафаккир Ж. Локк фуқаролик жамияти бу доимий катталик, давлат эса ундан келиб чиқувчидир, деб эътироф этган эди.

Либерализм мафкураси учун шахснинг эркин ривожланиши ва ўзиши ўзи тасдиқлаш ғояси характерли бўлибигина қолмай,

балки эркинликшинг бозор талқинини хусусий тадбиркорлик эркинлиги сифатида характерлаш хосдир. Бу мафкура эркинлик ва хусусий мулкнинг ўхнашитига асосланади. Унда хусусий мулк инсон эркинлителигин кафолати ва ўлчови сифатида қаратади. Иқтисодий эркинликдан сиёсий ва фуқаролик эркинлиги келтириб чиқарилади.

Иқтисодий назарияда либерализм тадбиркорлик, бозор ва рақобат эркинлигини тарбибот ва ташвиқот қилади. Шу билан бирга бу мафкуранинг тарафдорлари шахсни бозор тизимида амал қилишини салбий оқибатларидан сакланни – ҳукуматнинг вазифаси деб биладилар.

